



МУНДАРИЖА

Абдулхаков Яхён Артиқбаевич

Ишни судга кадар юритишида ягона идораларо электрон ҳамкорлик тизими жорий этилишининг муҳим жиҳатлари 2

Рустамбаев Мирзаосун Ҳакимович

Реализация гарантий защиты конституционных прав и свобод человека при обеспечении общественной безопасности 6

Джолдасова Сахипжамал Джасалгасовна

Ички ишлар органларининг миграция соҳасидаги фаолиятининг хуқуқий таҳлили 14

Миразов Даврон Мирагзамович

Жиноят процессида шахснинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш мезонлари 20

Кулбеков Ойбек Турсиналиевич

Номусга тегиш жиноятини тергов қилишининг ўзига хос жиҳатлари 28

Авилов Улугбек Сайдуллаевич

Особенности тактики производства следственных действий при расследовании преступлений, совершённых с использованием информационных технологий 36

Муродов Бахтиёр Баходирович, Абдурахимов Мухтор Ҳоджиакбарович

Необходимость создания национальной базы данных геномной информации в Узбекистане 48

Орипов Собирзода Собир ўғли

Ишни судга кадар юритиши босқичида аҳборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари 54

Юсупов Сардорбек Баҳодирович

Миллий парламентларнинг давлат бюджети устидан назоратни амалга оширишда БМТ барқарор ривожланиш максадларининг ўрни ва аҳамияти 64

Пўлатов Баҳтиёр Халилович, Ибрагимов Диёрбек Шуҳрат ўғли

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятида конун устиворлиги ва адолат бош мезон 72

Абдурасулов Нодир Нурмуҳамматович

Ёшлилар орасида радикаллашувнинг юзага келишида интернет тармоғининг таъсири 80

Иброҳимов Жамиш Абдулоғфур ўғли

Айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигига терроризмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари 86


Топшишмоклар

96



ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ЯГОНА ИДОРАЛАРАРО ЭЛЕКТРОН ҲАМКОРЛИК ТИЗИМИ ЖОРЙИ ЭТИЛИШИННИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

IMPORTANT ASPECTS OF THE INTRODUCTION OF A SINGLE ELECTRONIC COOPERATION SYSTEM IN MAINTAINING THE PRE-TRIAL PROCEEDINGS



Абдулхаков Яхёжон Артиқбаевич

Ўзбекистон Республикаси ички
ишлар вазири ўринбосари – Тергов
департаменти бошлиғи
Юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Abdulkhakov Yahyojon Artikbaevich

Deputy Minister of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan
- Head of Investigation department
Doctor of Philosophy in Law (PhD)



Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишни судга қадар юритишида ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари түғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти, белгиланган вазифалар ва амалга ошириш механизмларини ёритиш кўзда тутилган.

Калит сўзлар: ишни судга қадар юритиши, ягона тергов ахборот тизими, ахборот технологиялари, рақамлаштириш, электрон хужжат алмашинуви, интеграция

Annotation. The article deals with topical issues of coverage of the essence, tasks and mechanisms for implementing the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to introduce a unified system of interdepartmental electronic interaction in pre-trial proceedings”.

Keywords: pre-trial proceedings, unified investigative information system, Information Technology, digitization, electronic document exchange, integration.

Маълумки, юртимиизда барча соҳалар каби суд-хуқуқ тизимида ҳам замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, соҳани рақамлаштириш орқали суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлиги таъминланиб, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг З6-моддаси учинчи қисмига кўра, терговчининг ўз юритишидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир[1].

Бирок, бугунги ахборот-технологиялари ривожланган бир даврда суд-хуқуқ тизимидағи ахборот алмашинуви, ўзаро ёзишмалар ханузгача қоғоз шаклида амалга оширилиши хуқуқни муҳофаза

қилувчи органлар, хусусан ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг иш фаолияти самарадорлигига салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Барча суриштирув ва тергов органларида жиноятларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларга доир ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оширилади. Бу эса, айрим ҳолларда фуқароларнинг сарсон бўлишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, жиноят оқибатида фуқароларга етказилган зарарни қоплаш самарадорлигини ошириш мақсадида гумон қилинувчига, айбланувчига, шу жумладан қидирудва бўлган шахсларга ҳамда уларнинг мол-мулклари ва мулкий хуқуқларига нисбатан чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида қўллаш имкониятининг йўқлиги бу борада тезкор қарорлар қабул қилишни чекламоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи Фармони[2] билан тасдиқланган ички ишлар органлари тизимини янада тақомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" билан бир қанча топшириқ ва вазифалар белгиланган.

Жўмладан, йўл хаританинг III-бўлими "Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий рақамли ва ахборот технологияларини татбиқ этиш" билан боғлиқ вазифаларни назарда тутган бўлиб, унинг 18-бандида ички ишлар органлари тизимиға ахборот технологияларини жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бунда ички ишлар органлари фаолиятини рақамлаштириш соҳа ва йўналишларини, шунингдек ахборот технологияларини тўлиқ жорий этиш босқичларини белгилаш вазифаси юклатилган.

Юқорида қайд этилган масалаларни ички ишлар органлари тергов бўлинмалари фаолиятига ҳам жорий этиш мақсадида Тергов департаменти томонидан Бosh прокуратура билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "**Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**" ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Маълумот учун, ушбу тартиб дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида" 2018 йил 13 мартағи ПҚ-3597-сон қарори билан йўлга қўйилган эди.

Мазкур қарорга кўра асосида Бosh прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси 18 та вазирлик ва идоралар

билиан қўшма қарор асосида электрон ҳужжатларнинг дастурий айланмаси интеграциясини амалга ошириди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сон қарори имзоланиб, унга кўра 28 та давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимиға босқичма-босқич улаш масаласи кун тартибиغا қўйилди.

Мазкур лойиҳа тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилиб, ўрнатилган тартибда юқори инстанцияга юборилган.

Ушбу лойиҳа асосида жорий йилнинг 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори[3] билан қўйидагилар белгиланди:

- "Электрон суриштирув ва дастлабки тергов" ягона ахборот тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлар маъқулланиб, ушбу тизим орқали ишни судга қадар юритиш масалаларида электрон ҳужжат алмашиш фақатгина Ички ишлар вазирлиги, Бosh прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Бosh прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда Миллий гвардиянинг суриштирув ва тергов органлари томонидан амалга оширилиши;

- ишни судга қадар юритиш босқичида жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ва жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан



олинишини таъминлаш учун 29 та давлат органлари ҳамда ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш;

– суриштирувчи ва терговчиларнинг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари ҳамда бошқа хабарномаларини тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга электрон ҳужжат кўринишида юбориш ва жавобларини шу тарзда қабул қилиш;

– гумон қилинувчи, айбланувчининг мол-мулкини хатлаш, шунингдек, қидирав эълон қилинган айбланувчиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида амалга ошириш;

– идоралараро электрон ҳамкорликни амалга оширишда қонунчилик, тезкорлик, маълумотларнинг ҳаққонийлиги, хавфсизлик каби талабларга қатъий риоя этиш.

Бугунги кунда Бosh прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси 32 та вазирлик ва идоралар билан электрон ҳужжатларнинг дастурий айланмасини амалга оширган бўлиб, 70 дан ортиқ электрон сўров юбориш ва 9 турдаги тақиқ солиш амалиёти йўлга қўйилганлиги ҳамда Бюронинг иш фаолиятида аналогик ахборот тизими мавжудлигини инобатга олган ҳолда

ягона тергов ахборот тизимини ишлаб чиқишида Бosh прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази танланган.

Мазкур қарорга асосан 2022 йил 1 майдан ягона тергов ахборот тизимининг синов версиясини, 2022 йил 1 августдан тўлиқ версиясини ишга тушириш белгиланди. Ушбу тизимни яратиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича амалга ошириладиган ишлар юзасидан йўл харитаси тасдиқланиб, вазифалар босқичма-босқич белгилаб берилди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида ягона тергов ахборот тизимини амалиётга жорий этилиши аввало, судга қадар иш юритиш босқичида фуқароларнинг ортиқча сарсон бўлишларини олдини олишга хизмат қиласди.

Бундан ташқари, терговчилар томонидан юборилган ҳужжатларнинг давлат органларига етиб бориши беш кундан бир сонияга қисқаришига ҳамда суриштирув ва тергов органлари томонидан ишни судга қадар юритиш чоғида (ички ишлар органларида бир ойда 400 млн. сўмдан ортиқ қофоз учун сарфланадиган) маблағларнинг иқтисод қилинишига эришилади.

Иқтибослар/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6196-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "Ишни судга қадар юритишида ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-105-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 07/22/105/0079-сон



ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИ / СЛЕДСТВЕННЫЙ ДЕПАРТАМЕНТ



РЕАЛИЗАЦИЯ ГАРАНТИЙ ЗАЩИТЫ КОНСТИТУЦИОННЫХ ПРАВ И СВОБОД
ЧЕЛОВЕКА ПРИ ОБЕСПЕЧЕНИИ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

REALIZATION OF GUARANTEES FOR THE PROTECTION OF CONSTITUTIONAL
HUMAN RIGHTS AND FREEDOMS IN PROVIDING PUBLIC SAFETY



Рустамбаев Мирзаясуп Хакимович

Начальник Университета
общественной безопасности
Республики Узбекистан
доктор юридических наук,
профессор

Rustambaev Mirzayusup Khakimovich

Head of the University
of Public Security
of the Republic of Uzbekistan
Doctor of Legal Sciences, professor



Аннотация. В статье рассмотрены актуальные вопросы реализации гарантий конституционных прав и свобод личности при обеспечении общественной безопасности. На основе анализа норм Конституции, международно-правовых актов и действующего законодательства рассмотрены вопросы обеспечения прав и свобод человека при обеспечении общественной безопасности и сформулированы соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова: конституция, конституционные права и свободы личности, общественная безопасность, законность, верховенство права, обеспечение общественной безопасности, гарантии конституционных прав и свобод.

Annotation. The article examines topical issues of implementation and guarantees of constitutional rights and freedoms of the individual while ensuring public safety. On the basis of an analysis of the norms of the Constitution, international legal acts and current legislation, the issues of ensuring human rights and freedoms while ensuring public safety were considered, and appropriate conclusions and proposals were formulated.

Keywords: constitution, constitutional rights and freedoms of the individual, public security, legality, rule of law, ensuring public security, guarantees of constitutional rights and freedoms.

Современный этап развития Республики Узбекистан характеризуется усвоением опыта мирового сообщества в установлении гармоничных отношений между личностью и государством. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан [1] в рамках второго направления «Приоритетные направления обеспечения верховенства закона и дальнейшего реформирования судебно-правовой системы» отдельно указана задача по обеспечению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан.

Кроме того, интенсивное реформирование законодательства, касающегося прав и свобод граждан, происходит на основе реализации

правовых норм, содержащихся в актах международного права. Огромное значение в обеспечении прав и свобод личности имеют положения таких основополагающих международно-правовых документов ООН, как Всеобщая декларация прав человека 1948 г., Декларация прав ребенка 1959г., Международные пакты 1966 г. «О гражданских и политических правах» и «Об экономических, социальных и культурных правах», Факультативный протокол к Международному пакту «О гражданских и политических правах». Вместе с тем, права человека по-прежнему нуждаются в защите, в особенности в сложный период становления правового демократического государства.



В соответствии со Всеобщей декларацией прав человека определено, что «...Каждый человек должен обладать всеми правами и всеми свободами, провозглашенными настоящей Декларацией, без какого бы то ни было различия, как-то в отношении расы, цвета кожи, пола, языка, религии, политических или иных убеждений, национального или социального происхождения, имущественного, сословного или иного положения»[2].

Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев справедливо отметил «Каждое решение, касающееся жизни страны, мы принимаем на основе непосредственного диалога с народом, с учетом мнений общественности. Краеугольным камнем нашей деятельности становится принцип «Не народ служит государственным органам, а государственные органы должны служить народу»[3].

Обеспечение и защита прав и свобод человека и гражданина является важным направлением широкомасштабных реформ и деятельности государства и органов власти, которое реализуется путем проведения государственной политики и выработки государственных программ.

Согласно Конституции Республики Узбекистан, «...государство обеспечивает права и свободы граждан, закрепленные Конституцией и законами»[4]. Основная цель предоставления гарантий – это обеспечение исполнения обязательств, связанных с устранением препятствий, возникающих в процессе осуществления прав и свобод граждан. До-

словное значение слова «гарантия» означает обеспечение, уверение при возможности. Гарантии по содержанию можно разделить на: юридические (правовые), социально-правовые (идеологические), социально-экономические (материальные)[5].

Государство обеспечивает реализацию основных прав и свобод человека и гражданина через призму равенства:

люди юридически свободны и являются суверенными личностями;

каждый человек и гражданин вправе защищать свои права и свободы всеми способами, не запрещенными законом;

государство, его органы, должностные лица являются субъектами защиты прав и свобод человека;

объектами защиты прав человека являются физические лица, институты гражданского общества и др.

Необходимо отметить, что именно государство осуществляет функцию защиты основных прав и свобод человека и гражданина, а также ограничение данных прав и свобод может быть допущено лишь за исключением ограничений, установленных законом, как временная мера ограничения.

Реализация конституционного права осуществления прав и свобод в полном объеме выражаются в том, что государством гарантируется судебная защита прав и свобод, эффективного восстановления в правах посредством правосудия от конституционной гарантии этого права, а также право на обжалование в суд незаконных действий государственных органов и должностных



лиц, общественных объединений и других установленных гарантий, выраженных прежде всего в нормах законодательства.

Следует признать, что за годы независимости в республике создана система правового обеспечения защиты основных прав и свобод человека и гражданина, которая, включает в себя: механизмы конституционно-правового, судебно-правового, административно-правового обеспечения реализации (защиты) основных прав и свобод человека и гражданина; юридические процедуры этого обеспечения защиты, правового регулирования и контроля.

Вышеуказанными на основе законодательства обеспечивается реализация основных прав и свобод человека и гражданина, их защита, осуществления контроля за рассмотрением дел, жалоб, заявлений граждан. Так, в целях полной реализации прав и свобод человека в нашей стране были созданы Народные приемные и Виртуальная приемная Президента Республики Узбекистан, которые поставлены во главе системы разрешения накопившихся проблем, неукоснительного соблюдения прав и свобод человека, а также обеспечении охраны общественного порядка и безопасности, стабильности, мира и спокойствия в обществе.

Обеспечение верховенства Конституции и закона является важнейшим критерием построения правового демократического государства. Наряду с этим эффективность широкомасштабных реформ,

осуществляемых в стране на основе Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан, гарантии обеспечения мира и безопасности также непосредственно связаны с обеспечением верховенства права (Конституции и Закона). Считаем важным особо выделить то, что второе и пятое направления Стратегии действий посвящены именно вопросам верховенства права и обеспечения безопасности.

Поэтому на сегодняшний день чрезвычайно важной и актуальной проблемой становится воплощение на практике закрепленной в Конституции нормы об обязательстве государственных органов "Служить интересам народа".

Важно учитывать, что ограничение прав и свобод человека при обеспечении общественной безопасности одна из актуальнейших проблем любого государства. Процесс жизнедеятельности общества неизбежно сталкивается с ситуациями, требующими от государства принятия мер в ущерб гарантированным основным законом и международными нормами правам и свободам человека и гражданина.





Поэтому следует учесть, что ограничение прав и свобод при обеспечении общественной безопасности – это один из способов регулирования степени свободы в обществе, однако в своей реализации не допускающий вольного истолкования и злоупотребления. Отсюда следует основное требование к применению государством ограничений прав человека четкая регламентация оснований, порядка и пределов их применения.

Вряд ли можно поставить под сомнение актуальность этой проблемы для общества, так как события, происходящие в некоторых странах демонстрируют новые тенденции в расстановке приоритетов: на первое место по общегосударственной важности выходят вопросы обеспечения общественной безопасности.

В то же время, не существует четкого ответа на вопрос, каковы критерии (условия) ограничения прав и свобод человека. Вероятно, одной из причин этого является отсутствие в правовой науке, правоприменительной практике общепринятого (единообразного) подхода к формулированию основополагающей терминологии, в том числе и такого понятия, как ограничение прав и свобод. Необходимо иметь в виду, что единый подход не выработан и на международном уровне.

Так, в наиболее известных международно-правовых документах употребляется несколько терминов-понятий, прямо или косвен-

но отражающих ограничение прав и свобод. Например, во Всеобщей декларации прав человека (п. 2 ст. 29), Международном пакте об экономических, социальных и культурных правах (ст. 4) и др. используется термин «ограничение»; в Международном пакте о гражданских и политических правах (ст. 4), где говорится об обязательствах государств перед своими гражданами, употребляется термин «отступление от своих обязательств»; в Европейской конвенции о защите прав человека и основных свобод используются сразу два термина: «ограничения» (ст. 9-11, 18) и «отступление от соблюдения обязательств» (ст. 15).

Таким образом, одна из главных проблем, стоящих на повестке дня, может быть сформулирована следующим образом: как определить критерии допустимости (правомерности) ограничения прав человека в целях обеспечения общественной безопасности?

Индекс верховенства закона стран мира высчитываемый с 2010 г. международной неправительственной организацией World Justice Project и измеряет достижения стран мира с точки зрения обеспечения правовой среды, которая базируется на универсальных принципах верховенства закона. Индекс представляет собой комбинированный показатель, рассчитываемый на основе данных, полученных из экспертных источников и опросов общественного мнения в странах, охваченных исследованием.

Следует заметить, что основными направлениями повышения эф-



фективности реализации гарантий конституционных прав личности при обеспечении общественной безопасности являются:

- развитие нормативно-правовой базы, устанавливающей порядок и механизм обеспечении общественной безопасности. Анализ деятельности подразделений, осуществляющих обеспечение общественной безопасности свидетельствует о том, что ее организация и действующая нормативная база нуждаются в совершенствовании.

- совершенствование охраны государственных, особо важных, категорированных и иных объектов, имущества физических и юридических лиц при обеспечении общественной безопасности;

- установление и развитие взаимодействия правоохранительных органов при обеспечении общественной безопасности;

- улучшение психологической подготовки личного состава осуществляющего задачи по обеспечению общественной безопасности

- разрешение вопросов по адаптации системы и структуры подразделений осуществляющих обеспечение общественной безопасности к современным реалиям и вызовам, а также новым экономическим условиям.

- самое главное, привитие каждому сотруднику осуществляющему обеспечение общественной безопасности чувств и навыков уважительного отношения к каждому человеку, признанию и уважению его конституционных прав и свобод.

Таким образом, успешное реформирование деятельности подразделений, осуществляющих безопасности – это не просто мероприятия, которые нацелены на отдельные компоненты данной сферы, в част-



ности на органы внутренних дел, Национальную гвардию, Вооруженные силы, чрезвычайных ситуаций и другие государственные органы и призваны повысить эффективность и профессионализм их кадров. Для налаживания элементарного доверия между гражданами и подразделениями осуществляющими обеспечение общественной безопасности надлежит совершенствовать предоставление услуг по обеспечению безопасности, повышать качество этих услуг и улучшать руководством ими.

В то же время реализация гарантий конституционных прав личности при обеспечении общественной безопасности требует повышения эффективности данного вида деятельности, а также формирования действенной системы, направленной на раннее предотвращение нарушения прав человека.

Это требует четкой фокусировки на конечную цель, а заключается она в усилении безопасности людей,

которое, в свою очередь, требует инклюзивного диалога и участия людей и институтов гражданского общества. Поэтому международная поддержка национальных усилий по реформированию сектора безопасности должна и впредь становиться вкладом в усиление безопасности посредством инициатив, которые способствуют более долгосрочным реформам, предотвращению конфликтов и осуществлению преобразований, помогая в то же время облегчить непосредственное оказание услуг по обеспечению безопасности.

Исходя из вышесказанного в целях усиления эффективности проводимых реформ, безусловного обеспечения верховенства закона, повышения правосознания и правовой культуры в обществе, внедрения эффективных форм реализации гарантий конституционных прав личности при обеспечении общественной безопасности предлагается:





- продолжение реализации реформ законодательства регламентирующего вопросы обеспечения общественной безопасности;
 - формирование у каждого сотрудника органов обеспечивающих общественную безопасностьуважительного отношения к законам, правам и свободам человека;
 - создание в обществе атмосферы нетерпимости к правонарушениям;
 - внедрение действенных форм общественного контроля за обеспечением общественной безопасности;
 - недопущение притеснения в любой форме конституционных прав и свобод личности;
 - расширение участия представителей средств массовой информации в освещении мер по реализации верховенства права и деятельности по обеспечению общественной безопасности;
 - реализация комплекса мер по повышению правосознания и правовой культуры в обществе.
- Таким образом, при решении задач по обеспечению безопасности личности и общественной безопасности; охране общественного порядка, выявлению, предупреждению и пресечению преступлений и административных правонарушений, защите имущества собственников и предпринимательской деятельности, главным является реализация гарантий конституционных прав и свобод личности. Тем самым будет реализована основополагающая идея деятельности органов правопорядка «Служба народу и во имя интересов человека».

Сноски/References:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70, № 20, ст. 354
2. Всеобщая Декларация прав человека. Принята резолюцией 217 А (III) Генеральной Ассамблеи ООН от 10 декабря 1948 года.
3. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 22 декабря 2017 года.
4. Конституция Республики Узбекистан. – Т., 2021.
5. Одилкариев Х.Т. и др. Конституционное право., Т., 2016 С. 226.



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ
ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

LEGAL ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF INTERNAL AFFAIRS BODIES IN THE FIELD
OF MIGRATION



Джолдасова Сахипжамал Джалгасовна

Ички ишлар вазирлиги академияси
мустақил тадқиқодчиси,
юридик фанлари номзоди, доцент

Sakhipjamal Djoldasova

Doctor of Philosophy (PhD) in Law,
docent, applicant of the Academy of
the Ministry of Internal Affairs of the
Republic of Uzbekistan



Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасида ўзгаришларга юз берган миграция соҳасидаги ваколатлари таҳлили қилинган. Хусусан, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари ҳамда уларнинг айрим ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар таклиф этилган.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, миграция, миграция қонунчилиги, тартиб-таомилларни соддалаштириш, ноқонуний миграция.

Annotation. The article analyzes the powers of the internal affairs bodies that have undergone changes as a result of fundamental reforms implemented in the system of internal affairs bodies. In particular, the legal grounds for the activities of migration and citizenship registration offices, recommendations are proposed for the revision and improvement of certain powers of these divisions of the internal affairs bodies.

Keywords: internal affairs bodies, migration, migration legislation, optimization of procedures, illegal migration.

Давлат миграция сиёсатини амалга оширишда ички ишлар органларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги[1] Фармони билан ички ишлар органлари олдига, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг ўз вақтида олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифалар қўйилди.

Ушбу вазифаларни бажариш учун Ички ишлар вазирилиги тизимида соҳавий хизматлар мавжуд.

Биринчиси, Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бўлса, иккинчиси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси таркибидаги Ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш бошқармаси ҳисобланади.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ички ишлар органларининг фуқаролар билан яқиндан ишлайдиган муҳим бўлинма ҳисобланади. Мазкур соҳавий хизматнинг фаолиятини ташкил этишнинг самарали механизmlарини қуйидаги йўллар орқали амалга оширилмоқда:

биринчидан, кадрларни жой-жойига қўйишни оқилона ташкил этиш, амалда бажариладиган иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда асосий вазифа ва функцияларни ходимлар орасида аниқ тақсимлаш ва чегаралаш;

иккинчидан, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш жараёнларининг таъсирчан мониторингини амалга ошириш;



учинчидан, фуқароларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш имконини берувчи ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги Фармонига мувофиқ, шунингдек ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 11 июлда ПҚ-3126-сон қарори^[2] қабул қилинди.

Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг миграция жараёнларивава фуқароликни расмийлаштириш самарадорлигини оширишиб ўналишида 7 та муҳим вазифа белгиланди. Хусусан, биринчидан, ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг асосий вазифаларивава функцияларини қайта кўриб чиқиш; иккинчидан, аҳолини паспортлаштириш тизимини самарали режалаштириш ва унга янги механизmlарни жорий этиш; учинчидан, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида аҳолига давлат хизматлари кўрсатишни тизимини такомиллаштириш орқали коррупция ва ваколатни суиистеъмол қилиш ҳолатларига барҳам бериш тўртинчидан, паспорт тизими қоидаларини бузишнинг олдини олиш,

уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш тизимини такомиллаштириш; бешинчидан, миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги халқаро келишувларни амалга ошириш масалаларида вазирлик ва идоралар билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш; олтинчидан, хорижий давлатларнинг миграция соҳасидаги қонунчилигини тизимли равишда ўрганиш, ташқи миграция ҳолатини доимий таҳлил қилиш, мамлакат фуқароларига қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро шартномаларни тузиш бўйича таклифлар тайёрлаш; еттинчидан, давлат хизматлари кўрсатишнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тўғрисидаги низоми тасдиқланиб, унда Бош бошқарманинг вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ, мажбурияти ва жавобгарлиги масаласи, фаолиятини ташкил этиш асослари каби масалалар белгиланган.

Шу ўринда, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятни самарали ташкил қилиш учун қатор ишларни амалга ошириш талаб этилади. Хусусан,

Биринчидан, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган давлат хизматларини



босқичма-босқич түлиқ давлат хизматлари марказларига ўтказилишини таъминлаш.

Шу ўринда, ИИО миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш йўналишидаги фаолияти бўйича ижтимоий сўров ўтказилганда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига давлат хизматларини олиш учун мурожаат қилганимисиз деган саволга 74,3 % респондент «ҳа» жавобини берган, қолган 25,7% «йўқ» жавобини берган. Шунинг ичida қандай хизматларни сўраб мурожаат қилгансиз деган саволга 95,3% паспорт олиш (алмаштириш) зарурияти билан мурожаат қилганигини билдирган бўлса, 24,9% рўйхатда туришни расмийлаштириш, 8,8% хорижгачиқишуучунхужжатларни расмийлаштириш мақсадида хизматдан фойдаланганлиги маълум бўлди. Бу сўровда респондентлар бир вақтнинг ўзида бир нечта жавобни белгилаган[3]. Эътиборлиси шундаки, ҳар иккинчи респондент давлат хизматини олиш учун анъанавий усулдан фойдаланган.

Шу билан бирга, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари фаолиятининг тезкорлиги ва самарадорлигини баҳолашда давлат хизматларини олиш учун мурожаат қилгандарнинг 62,3% ижобий, 22,9 қониқарли ва 8,4% салбий муносабат билдириди. Миграция фаолиятини қониқарли баҳолаган респондентлар кўпроқ навбатлар муаммоси ва вақтнинг кўп кетиши билан баҳоламоқда (хусусан,

таниш-билишчилик, бюрократия бошқа)[4].

Фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида идентификация ID-картасини олиш учун, фуқароликка қабул қилиш ва чиқиш юзасидан электрон шаклда дастлабки ариза юбориш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг электрон шакли, яъни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш имкониятини яратиш ва маъмурий регламентлар ишла чиқиш таклиф этилади. Бу ўз навбатида фуқароларнинг вақтларини тежашга ҳамда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига боргандарида навбат кутиб қолишларини олдишга хизмат қилади.

Иккинчидан, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматини ташкил этишни қайта кўриб чиқиш.

Мамлакатимизда миграция соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар даврида ички ишлар органларининг миграция соҳасидаги ваколатларини такомиллаштиришга бағишлиланган тадқиқотларда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг миграция соҳасидаги назорат функциялари ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси таркибида Миграция масалалари бошқармасини ташкил этиш масаласини илгари сўрмоқда[5].



Бироқ, ички ишлар органларининг терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг миграция соҳасидаги назорат функциялари ўзига хос хусусиятга эга. Биринчиси тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширилса, иккинчиси расмийлаштириш ва рўйхатга олиш, учинчиси транспортда жамоат тартибини сақлаш нуқтаи назардан маъмурий жавобгарликга тортиш ваколатига эга. Ваҳоланки, давлат хавфсизлик хизмати, давлат чегараси хизмати миграцияни назорат қилувчи ваколатларга эга. Қолаверса, миграция кенг ва кўп қамровли соҳа бўлиб, ўз ичига қатор институтларни қамраб олади. Хусусан, фуқаролик, миграция ҳисобини юритиш, қочоқ, ноқонуний миграция, реадмиссия ва бошқалар. Шу боис, Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси таркибида Миграция масалалари бошқармасини ташкил этиш эмас, балки Баш бошқармани Паспорт-виза ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси сифатида қайта ташкил этиш мақсадга мувофиқdir.

Учинчидан, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш ҳамда фуқаронинг биометрик маълумотларидан фойдаланувчи бошқа ваколатли давлат органларига тақдим этиш бўйича идоравий электрон ҳамкорликни кенг жорий этиш ишларини жадаллаштириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021

йил 15 июнданги 373-сон қарори билан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда худудларни рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида низомда очиқ аълумотларни, электрон давлат хизматларини кўрсатиш кабилар қаторида Ташкилот фаолиятида фойдаланиладиган ахборот тизимлари, шу жумладан ички жараёнларни ташкил қилишда фойдаланадиган, ихтисослашган ахборот тизимларини жорий этиш баҳолаш мезони сифатида киритилган.

Шу боис, бугунги кунда адлия, соғлиқни сақлаш, таълим, статистика ва бошқа соҳаларда ваколатли давлат органлар билан ўзаро электрон ахборот алмашинувни таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида, биринчидан ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари фаолиятини биринчи галда «халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойилига йўналтириб, халққа яқинлаштиририб, улар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилса, иккинчидан, ноқонуний миграция ва одам савдоси фактларига имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни комплекс ўрганиш асосида уларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам



бериш тизимини такомиллашиб бориши ички ишлар органларининг ушбу соҳадаги маҳсус хизмати

фаолиятининг самарадорлини таъминлашга хизмат қиласди.



Иқтибослар/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 11 июлда ПҚ-3126-сон қарори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 28-сон, 644-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5269/0340-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 30 декабрдаги 30/5-66770-20-сонли хат асосида «Аҳоли миграциясила рақамли визалар платформасини ишлаб чиқиши» мавзусидаги ИЗ-202002203-сонли инновацион лойиҳа доирасида амалга оширилган «Фуқаролар миграция жараёнлари тўғрисида: ҳукуқий жиҳатлар, хабардорлик даражаси ва ислоҳотларга муносабат» мавзусида ахборот-таҳлилий маълумотнома. Б. 4.
4. Уша жойда. Б. 5, 7.
5. Эгамбердиев Б.И. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. фалс. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академияси, 2021. – Б. 15-16.



ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИ / СЛЕДСТВЕННЫЙ ДЕПАРТАМЕНТ



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШ МЕЗОНЛАРИ

CRITERIA FOR ENSURING THE RIGHTS AND FREEDOMS OF THE INDIVIDUAL IN THE
CRIMINAL PROCEEDINGS



Миразов Даврон Мирагзамович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети
кафедра бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор

Mirazov Davron Miragzamovich

Head of the Department of
Public Safety of the Republic of
Uzbekistan,
Doctor of Legal Sciences, professor



Аннотация. Мақолада жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишининг долзарб масалалари муҳокама қилинган. Жиноят-процессуал қонунчилик нормалари ва илмий адабиётларни ўрганиш асосида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланиши усуллари ва жиноят процессида қонунийликни таъминлашнинг мезонлари шакллантиришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, прокурор назорати, қонунийлик, дастлабки тергов, прокурор, қонунийликнинг бузилиши, прокурорнинг ваколатлари

Annotation. The article examines topical issues of ensuring human rights and freedoms in criminal proceedings. Based on the analysis of criminal procedure legislation and scientific literature, an attempt was made to formulate the criterion for ensuring human rights and freedoms in the criminal process.

Keywords: constitutional human rights and freedoms, criteria, prosecutor's supervision, legality, violation of legality, powers of the prosecutor.

Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси[1] нинг иккинчи йўналиши сифатида белгиланганлиги жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришда қонун устуворлигини таъминлаш жамият ва давлат ҳётидаги туб ислоҳотларнинг тақдирини ҳал қилувчи ва энг асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилишини англатади.

Ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу борада инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги[2] ҳамда ҳимоясини таъминлаш муҳим аҳамият касб этишини эътироф

этиш зарур. Шуни қайд этиш лозимки, истиқлол йилларида давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги сиёсатини муваффақиятли амалга оширишда дастлабки тергов органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Суд-ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда дастлабки тергов органлари фаолиятини ҳозирги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ва шиддат билан ўзгараётган замон талабларига мувофиқлаштириш ва бунда шахс ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиш дастлабки тергов органлари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўрганишни тақозо этади.

Дастлабки тергов органлари ходимларининг ҳалқ ишончини оқлаши, давлат органи ходими



сифатида ўз вазифаларига ситқидилдан ва вижданан ёндашиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашидан иборат вазифлар ўз навбатида биринчи мезон – масъулиятни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 35, 345-моддалари талабларига кўра мамлакатимиз ҳудудида жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органларининг ва давлат хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади. ЖПКнинг 2-моддасида жиноят процессуал қонун хужжатларининг вазифалари белгиланган бўлиб, улар процессуал фаолиятнинг барча иштирокчилари, шу жумладан, дастлабки тергов

органларининг фаолиятини жиноятларни тез ва тўла очишга, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишга, қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашга қаратилган. Жиноят кодексининг 2-моддасида белгиланган вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатdir. Шу билан бирга жиноят ишини юритишда қонунда белгиланган тартиб қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим



воситаси бўлиб ҳизмат қилади ва барча судлар, адвокатлик, тергов, суриштирув, адвокатура идоралари ҳамда фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай ижро этилиши лозим[3]. Бу эса иккинчи мезон – Қонунийлик.

Унга асосан дастлабки тергов органлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПК ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари, жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари, ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишлари, жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари, жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айборлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиши, гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериши ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриши, қонунга хилоф равишда озодликдан

маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳисбда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шарт. Бундан ташқари жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиш, айборларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишлари лозим.

ЖПКнинг 37-моддаси 1-қисмига мувофиқ дастлабки тергов органлари томонидан дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб борилишини назорат қилиш тергов тузилмасининг раҳбарлари зиммасига юклатилган. Бу учинчи мезон - дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб борилиши.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485-моддасига асосан терговнинг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламалиги сифатида ЖПКнинг 82-84-моддаларида (айлаш ва ҳукм қилиш, реабилитация, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар) кўрсатилган ҳолатлар етарлича тўла аниқланмаган бўлса;

2) кўрсатувлари ишни ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган шахслар сўроқ қилинмаган, зарур бўлишига қарамай экспертиза ўтказилмаган, шунингдек ҳужжатлар, ашёвий далиллар талаб қилиб олинмаган ёки натижалари иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа тергов ҳаракатлари



үтказилмаган бўлса каби ҳолатлар кўрсатиб ўтилган:

Ушбу моддага илмий-амалий шарҳ берган ю.ф.д. Ф.М.Муҳитдиновнинг фикрига кўра, терговнинг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламалиги сифатида:

– жиноят таркибининг объектив томонига тегишли ҳолатларнинг тўлиқ текширилмаганлиги, яъни қилмишнинг ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликка оид характеристи, ҳаракат ва оқибат ўртасидаги сабабий бөглиқликнинг мавжудлиги кабилар аниқ эмаслиги;

– айбордлик ва унинг шакли тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўлиқ ва ҳар томонлама текширилмаганлиги;

– жиноят мотивининг ноаниклиги қилмишни квалификация қилишга, жиноят ва уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасини ёки жазо чорасини белгилашга бевосита таъсир кўрсатиши;

– жиноятни содир этишга алоқадор бўлган барча шахслар жавобгарликка тортилмаганлиги;

– ҳар бир айланувчининг жиноятни содир этишдаги роли аниқ эмаслиги;

– асослар мавжуд бўлган ҳолда айланувчининг руҳий ҳолати аниқланмаганлиги;

– жавобгарликни инкор этувчи ёхуд енгиллаштирувчи ҳолатларга оид маълумотлар аниқланмаганлиги;

– жиноят натижасида етказилган зиённинг даражаси белгиланмаганлиги;

– жиноятни содир этилишига

олиб келган сабаб ва шароитларнинг аниқланмаганлиги;

– вояга етмаган айланувчининг яшаш ва тарбияланиш шароитлари, тарбияси, шунингдек, жиноят содир этишига олиб келган сабаб ва шароитлар текширилмаганлиги;

– айланувчининг зарурий мудофааёки охирги заруратҳолатида бўлганлигига оид маълумотлар етарли ўрганилмаганлиги;

– айланувчининг тушунтиришлари етарлича текширилмаган ва асоссиз баҳолангандиги ҳақидаги ҳолатлар эътироф этилади[4].

Бундан ташқари, дастлабки терговни амалга ошириш жараёнида терговчи исбот қилишни амалга оширади. Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатdir".

Далилларни тўплаш ЖПКнинг 87-моддасига асосан тергов ҳаракатларини юритиш орқали амалга оширилади. Далилларни тўплаш ЖПК мазмунига кўра далилларни асосий ва ёрдамчи усувларда қайд этишни ҳам ўз ичига олади. Унга асосан ҳар қандай маълумот ёки нарса баённомада ва унинг иловасида, ваколатли шахс томонидан, нормада белгиланган тартибда акс этирилгандан сўнг тегишли ҳаракатнинг иштирокчиларига эълон қилинганидан ва уларнинг имзолари билан тасдиқланинганидан кейин далил сифатида ишлатилиши мумкин. Шу билан бирга далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш



жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқланиши шартлиги, давлат сирларининг муҳофаза қилиниши ҳам белгиланган.

Далилларни текшириш қўшимча далилларни тўплашдан иборат бўлиб, улар текширилаётган далилларни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин.

Далилларни баҳолаш ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ички ишонч бўйича амалга оширилади. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар

ҳақидаги хulosаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади.

Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади.

Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

Дастлабки терговнинг холисона олиб борилиши деганда терговчи





томонидан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни текширишда, юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқладиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги тушунилади.

Дастлабки тергов жараёнида процесс иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган барча чоралар асослиравиша қўлланилиши керак. Бу тўртинчи мезон – асослилик.

Ушбу талаб ЖПКнинг 214-моддаси (процессуал мажбуров ҳораларини қўллашнинг қонунийлиги ва асослилиги), 225-моддаси (ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослилигини текшириш), 243-моддаси (қамоқча олиш эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби) 245-моддаси (қамоқда сақлаб туриш муддати), 322-моддаси (жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари), 360-моддаси (жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор) 361-моддаси (жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор) да аниқ келтириб ўтилган.

Дастлабки тергов органларининг фаолиятини баҳолашнинг бешинчи мезони бу адолатлилик (одиллик) дир. Одиллик жиноят ҳуқуқида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир

кораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ва ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслигига ифодаланади.

Жиноят процессуал қонунчиликка асосан адолат тушунчаси фақат ҳукмга нисбатан қўлланган бўлиб, ЖПКнинг 455-моддасида ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир кораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олинниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши белгиланган. Демак дастлабки тергов органлари томонидан шахсга нисбатан айблов эълон қилишда, унинг харакатларини квалификация қилишда қилмишни назарда тутувчи жиноятни белгилаш мухим аҳамият касб этади. Айб эълон қилиш жараёнида терговчи қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, шахснинг ижтиомоий хавфлилигига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилган фикрларни умумлаштирилган ҳолда дастлабки тергов органларининг фаолиятини баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

– ҳеч бир жиноят фош этилмасдан ва жиноят содир этган ҳар бир шахс қонунда белгиланган жавобгарликдан қутулиб қолмаслиги;



– жиноятни содир этишда гумон қилинаётган фуқарони ушлаш қонунда белгиланган тартиб ва асосларга биноан амалга оширилиши;

– ҳеч ким қонунсиз ва асоссиз жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ёки бошқа ҳуқуқларни қонунсиз чеклашларга йўл қўйилмаслиги;

– ҳеч ким суднинг ажримисиз қамоқقا олинмаслиги ва сақланмаслиги;

– қонун билан белгиланган жиноят иши қўзғатиш ва уни тергов қилиш тартиби, тергов муддатларига, жиноят судлов иш юритуви иштирокчилари ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши;

– жиноятларни тергов қилиш жараёнида ишдаги барча ҳолатлар ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқилиши, айбланувчини ҳам фош қиласидиган, ҳам оқладиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам

оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланишини талаб қилувчи қонунларга қатъий риоя қилиниши;

– жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланиши ҳамда уларни тегишли чора-тадбирларни кўриш орқали бартараф этилиши.

Ушбу вазифалар албатта Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар томонидан жиноят ишларини тергов қилишда қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати ва тергов органлари раҳбарларининг идоравий-процессуал контроли остида ташкиллаштирилиши ва ҳал этилиши лозим бўлиб, ушбу тадбирлар жиноятга оид ариза, хабарлар келиб тушганидан ва жиноят иши қўзғатишдан бошлаб, айлов хulosasi тузилиб, тасдиқланиб, жиноят иши судга юборилгунга қадар давом этиши керак.

Иқтибослар/References:

1. 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 2012. –Б.3.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шархлар. –Тошкент: Адолат. 2000. –Б.4.
4. Ўзбекистон Республикаси ЖПКга шархлар. – Т., 2009. – Б.739-740



НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ЖИҲАТЛАРИ

FEATURES OF INVESTIGATION OF RAPE



Қулбеков Ойбек Турсиналиевич

Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги
Тергов департаменти бошлиғи
ўринбосари,
мустақил изланувчи

Kulbekov Oybek Tursinalievich

Deputy Head of the Investigation
Department under the Ministry of Internal
Affairs,
Independent researcher



Аннотация. Мақолада номусга тегиш билан боғлиқ ариза ва ҳабарлар асосида терговга қадар текширув, дастлабки тергов жараёнида эътиборга олиниши лозим бўлган ҳолатлар, муайян тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг тартиби, эксперт олдига қўйиладиган саволлар ва бошқа ҳолатларни текширишнинг ўзига хос жиҳатлари баён этилган.

Калит сўзлар: терговчи, тергов ҳаракатлари, кўздан кечириш, экспертиза, жабрланувчи, гумон қилинувчи, жиноят иши.

Annotation. The article indicates the features of conducting a pre-investigation check and a preliminary investigation to consider complaints and appeals related to rape, what exactly to look for, the procedure for conducting investigative actions, what questions should be put to the experts, what investigative measures should be taken.

Keywords: investigator, investigative actions, examination, scan, victim, suspect, criminal case.

Номусга тегиш жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хослиги шундаки, бунда фуқаронинг шахсий ҳаётига аралашишга тўғри келади. Бундай хабардан бошқаларнинг ҳам огоҳ бўлиши жабрланувчига янада кўпроқ жабр келтиради. Шунинг учун Жиноят процессуал кодексининг 19-моддасига кўра[1], бу каби ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилади ва жабрланувчининг рухсатисиз шахсий маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жиноят процессуал қонунчилигига кўра бундан тоифа жиноят ишлари ёзма ва оғзаки ариза бериш билан қўзғатилади[2]. Жабрланувчи ёлғон гувоҳлик берадиган бўлса, жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади ва бу ҳақда аризанинг якунлов қисмида айтиб ўтилади.

Агар жабрланувчи ва зўрлик ишлатган шахслар олдин дўст, қариндош ёки бошқа муносабатларда бўлган бўлса, бу қасос ёки шахсий ҳисобкитоб бўлиши мумкинлигини текшириш талаб этилади.

Айни ҳолда жабрланувчи ва гумон

қилинувчи ўртасидаги муносабатларнинг хусусияти аниқланади. «Жабрланувчи» аксарият ҳолларда оила аъзолари олдида никоҳдан олдинги ҳомиладорликни яшириш учун айни бир кишининг бўйнига қўйишга ҳаракат қиласи. Бу ҳолда терговчи шифокордан ва тиббий муассасадан тегишли маълумотларни сураб олишга ҳақли. Ушбу турдаги жиноятни фош этишда терговчи албатта экспертиза тайинлаши мақсадга мувофиқ.

Терговчи бу ҳолда амалга оширадиган дастлабки ҳаракатлар:

1) гумон қилинувчи жабрланувчи билан жинсий алоқада бўлганми, агар бўлган бўлса, зўрлик ишлатиш ҳоллари бўлган-бўлмаганини текшириш;

2) гумон қилинувчининг шахсини аниқлаш.

Жабрланувчини сўроқ қилишда биринчи галда терговчи табиий уялиш ҳолатини инобатга олиб, фақат жиноят ҳолатлари ҳақида тўлиқ маълумот берилгандагина жиноят иши очилиши мумкинлигини ва шахсий муносабатларнинг терговчи



томонидан сир сақланиши кафолат-
ланишини жабрланувчига тушунти-
риши керак.

Сўроқ жараёнида руҳий зўрлик
ишлатилганлигини аниқлаш мақса-
дидаги қўйидагилар аниқланади:
тажовузчи қандай таҳдид ишлатган,
қандай зарар етказиши кўзлаган,
қандай ҳуқуқлар бузилган, тажовузчи
қачон таҳдидни амалга ошириши
кўзлаган, таҳдид қандай кўринишга
эга бўлган (сўз билан, ҳаракати
орқали, ишора орқали) айбланувчидан
таҳдидни амалга ошириш учун
имкониятлар мавжудмиди ёки шу
усулда таъсир ўтказмоқчи бўлганми,
жабрланувчи таҳдидни қандай қабул
қилган ҳолатни реал ҳолат ёки оддий
қўрқитиш сифатида[4].

Сўроқ қилиш жиноят содир этили-
ши шароитидан бошланиши керак:

а) жиноят қачон, қаерда, қандай
шароитда содир этилган;

б) жабрланувчи воқеа жойига
қандай қилиб келиб қолган;

с) жисмоний ва руҳий зўрлик
қандай кўринишда бўлган;

д) жиноят тугатилганми ёки
тугатилмаганми, агар тугатилмаган
бўлса, бунинг сабаби;

е) жабрланувчи бирор кишини
ёрдамга чақирганми;

ж) жабрланувчи қаршилик
кўрсатганми, агар кўрсатган бўлса,
қаршилик усули ҳақида сўралади;

з) зўрлик ишлатган шахснинг
баданига из қолдирувчи зарбалар
берилигани;

к) жабрланувчининг ўзида,
унинг танасида, кийимида зўрлик
аломатлари сақланиб қолганми;

л) жабрланувчи илгари ҳам
жинсий муносабатга киришганми;

м) аёл жиноят содир этилишидан

олдин фарзанд кўрганми, ҳомиладор
бўлганми ёки abortdan кейинги
ҳолатда ёхуд қаршилик кўрсата
олмайдиган ҳолатда бўлганми;

н) ҳайз кетиш ҳолатида бўлганми;

о) жиноят содир этилганидан
сўнг ўз кийимларини ювганми, агар
ювмаган бўлса, улар экспертиза
текширувига топширилганми;

п) воқеа жойида жабрланувчига
тегишли бирон-бир буюм
сақланганми, қолиб кетганми;

р) зўрлик ишлатган шахс
жабрланувчига тегишли буюмлардан
бирортасини олганми, агар олган
бўлса, уларнинг рўйхати;

с) воқеага бирор киши гувоҳ
бўлганми, жиноят содир этилишидан
олдин ва кейин уни бирор киши
кўрганми;

т) воқеа ҳақида кимга, қачон,
нималарни айтган;

у) ариза вақт ўтказиб берилган
бўлса, нима сабабдан ўз вақтида
берилмагани;

ф) ариза ўз ихтиёри билан
ёки бировнинг таклифи билан
берилигани.

Юқоридагилардан ташқари, яна
қўйидаги ҳолатларни аниқлаш лозим:

Жиноятнинг қаерда содир этилга-
нини кўрсатувчи далиллар жиноят
ишини очишда ва жиноятчини топиши-
да муҳим рол ўйнайди. Жабрланувчи-
дан жиноят ҳодисаси содир бўлган
худудда кимларни таниши сўралади,
уларнинг рўйхати тузилади ва улар
иチдан жиноятчини таниши мумкин
бўлганлар аниқланади.

Жабрланувчига савол берганда,
терговчи у билан психологик нозик
муносабатда бўлиши, унинг шаъни ва
қадр-қимматига ҳурмат билан қара-
ши воқеага объектив баҳо берилиши



ва унинг тез очилишига сабаб бўлади.

Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жабрланувчи ҳолат бўйича тушунтиришлари олинганидан кейин зудлик билан амалга оширилиши керак. Унинг асосий вазифаси кейинги ҳаракатларда ва келажакда идентификация қилишда асқотиши мумкин бўлган далилларни қўлга киритишдир. Хусусан, кураш излари бўлганми, агар бўлган бўлса, бу нималарда ўз аксини топган, ариза оғзаки усулда баён қилинган бўлса, унда ифодаланган ҳолатлар ва изларни жиноят содир этилган жойдан топишга ҳаракат қилиш керак. Масалан, қолдирилган ҳужжат, бош кийими, рўмолча, тароқ, ердаги оёқ излари, ўтлардаги излар, синдирилган идиш-товоқлар, шиша бўлаклари (кураш белгиларини аниқлаш учун), уйдаги тартибсизлик, жиҳозларнинг ўз ўрнидан силжиганлиги, энг муҳими, воқеа жойидаги излар (масалан, ўсимлик қолдиқлари, лой излари) нинг жиноятчida қолиши аҳамиятга моликдир. Муҳими, кўздан кечириш чоғида ўша ердаги вазият тўла инобатга олиниши керак. Хусусан, кўриш имконияти, ёруғлик даражаси, овоз эшитилиши имкони, қўшнилар яшайдими, атрофда йўл ўтганми-йўқми, уйнинг деразаси қаерга қараган, ўша жойда жиноят ҳодисасини ёки жиноятчини кўриш имконияти мавжуд ё мавжуд эмаслиги текширилади.

Экспертиза текширувани ўтказиш зарурлиги, ҳатто жабрланувчи ўзида жиноят излари йўқлигини айтган тақдирда ҳам, ушбу ҳаракатнинг ўтказилмаслиги жиноят иши тўлиқ очилмаслигига сабаб бўлиши мумкинлиги жабрланувчига тушунти-

рилиши лозим. Текширилаётган нарсаларнинг умумий ҳамда индивидуал белгилари, ашёдаги ўзгарган ва бузилган жойлар, уларнинг ҳажми тўлиқ текширилгач, тегишли равища баённомада ўз аксини топиши лозим. Бу излар, далилий ашёлар яхшилаб ўрганилиб, бузилмайдиган ҳолда олиниб, суд-тиббиёт экспертизасига юборилиши керак.

Эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилади:

- текшириш жойида ва нарсаларда сперма ва қон излари мавжудми;
- қон гуруҳини текшириш ва аниқлаш;
- изларнинг юзага келиши даври;
- қоннинг ҳудудий тегишлилиги;
- йиртилган, қирилган буюмлар нима сабабдан зарап кўргани, уларга нима билан зарап етказилганлиги.

Жабрланувчини суд-тиббиёт экспертизадан ўтказишдан мақсад жинсий алоқа қилинган-қилинмаганлиги, зўрлик излари бор ёки йўқлигини текшириш бўлиб, агар ушбу ҳолда эксперт бўлмаса, жабрланувчини акушер шифокорга ёки гинекологга кўрсатиш даркор. Нима бўлганда ҳам, бу ишни орқага сурмаслик керак.

Эксперт олдига қуйидаги





саволлар қўйилиши мақсадга мувофиқ;

1) қиззик пардасининг бузилганиги (дефлорация) ва ариза берилган санадан қанча олдин ушбу ҳолат юзага келганлиги;

2) яқинда бўлган жинсий алоқа излари мавжудми;

3) жабрланувчида зўрлик излари мавжудми;

4) таносил касалликларининг излари борми;

5) аёл жиноят натижасида ҳомиладор бўлганми, агар ҳомиладор бўлган бўлса, унинг муддати;

6) жабрланувчи берган кўрсатувлардаги излар ва ҳақиқатда мавжуд излар ўзаро мосми;

7) жароҳатлар гумон қилинувчи томонидан ёки жабрланувчининг ўзи томонидан етказилганлигини.

Гумон қилинувчи дарҳол сўроқ қилиниши керак, чунки у жабрланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза берганидан хабар топгач, қочишга ҳаракат қилиши мумкин. Жабрланувчи ва гумон қилинувчи ўртасидаги муносабат текширилиб, уларнинг ёзишмалари, умумий дўстлари, биринчи ва сўнгги учрашувлари сўралади ва текширилади. Агар гумон қилинувчи жабрланувчи билан учрашганини тан олса, жинсий алоқа бўлган ёки бўлмаганлиги ҳамда унинг ихтиёрий ёки мажбурий содир этилганлиги сўралади. Агар айбланувчининг ҳаракатларида мажбурлов аломатлари бўлса, улар нимада ифодаланганилиги жабрланувчидан сўралади. Жабрланувчидан ушбу шахс билан олдин ҳам жинсий алоқада бўлганми, кимнинг таклифи билан

бўлгани, бу муносабатлар ҳақида кимлар билиши, агар жабрланувчи таклифи билан бўлган бўлса, ушбу ҳолатни тасдиқловчи далиллар (хат, ёзишма, фото ва видеолар ва ҳ.к.) сўралади. Агар гумон қилинувчи барча учрашувларни тан олса, лекин жинсий алоқага киришганлигини инкор қилса, ўша куни улар нима мақсадда учрашганликлари, қанча вақт давомида бирга бўлганликлари, биргаликда ёки алоҳида-алоҳида кетганликлари сўралади ва текширилади.

Агар гумон қилинувчи жиноят содир этилган деб тахмин қилинаётган кун жабрланувчи билан учрашмаганлигини, ўша вақтда бошқа ерда бўлганлигини айтса, унда гумон қилинувчидан ўша куни ким билан бўлганлиги, бу ҳақда кимлар гувоҳлик бериши мумкинлиги алиби сифатида талаб қилинади. Ушбу ҳолатлар далиллар асосида батафсил исботланиши лозим. Сўроқ қилишнинг якунловчи қисмida гумон қилинувчининг кийими, оёқ кийими текширилиб, агар ушбу кийимларда йиртилиш ҳоллари бўлса, уларнинг нима сабабдан юзага келганлиги текширилади. Бу кийимлар жиноятдан кейин ювилганими, жабрланувчининг баданида жиноят излари борми, гумон қилинувчи жиноятдан кейин ким билан жинсий алоқада бўлганлиги текширилади.

Гумон қилинувчини суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш ва таниб олиш учун кўрсатиш у сўроқ қилингандан сўнг, дарҳол амалга оширилади. Маълум бир муддат ўтганлигига қарамай, экспертизани ўтказиш талаб қилинади, чунки қаршилик излари маълум бир муддатгача



сақланиб қолиши мумкин. Агар гумон қилинувчи ўз айбини бўйнига олиб, ўша жароҳатларни воқеа жойида жиноят содир этилган вақтда олганлигини тан олса ҳам, таниб олиш учун кўрсатишда ушбу жароҳатлар даволанган бўлса-да, бу жароҳатлар жойлашган жойи, шакли, ҳажми, тахминий даври текширилади. Агар бу жароҳатлар гумон қилинувчининг ёпиқ, кўринмас ерларида бўлса, жабрланувчи кўрсатуви билан қиёсланади. Бу ҳаракатларни мутахассис шифокор орқали амалга оширган маъқул, чунки шифокор иштироки тузалган жароҳатлар, жароҳат сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Гумон қилинувчini суд-тибиёт экспертизасидан ўтказиша қон, кураш, жароҳат излари, жинсий алоқа пайтида қолган излар аниқланади. Эксперт гумон қилинувчининг жинсий аъзосидан текшириш учун суюқлик олиши, жинсий аъзосидаги қон, сперма излари аёл жинсий аъзосида мавжудми, агар мавжуд бўлса, унинг синфий тегишлилиги ва морфологик хусусиятлари, жинсий аъзодаги суюқлик гумон қилинувчига тегишлилиги текширилади. Эркакнинг жинсий аъзосида аёл кийими қисмларининг элементлари бор-йўқлиги, гумон қилинувчидан таносил касалликлар мавжудлиги ҳам текширилади, бу ҳолат нафақат жиноятни тавсифлашга таъсир қилади, балки жиноят очилишида муҳим далил бўлиб хизмат қиласди.

Агар номусга тегиш кўпчилик шахслар томонидан содир этилган бўлса, уларнинг аниқ сонини билиш ва шу миқдордаги эркакларни шу яқин атрофда бирор кимса кўрганлиги,

уларнинг кимлиги, уларнинг бирбирини қандай номлаши, қандай лақаб билан чақиришини билиш уларнинг шахсини аниқлашга имкон беради.

Гумон қилинувчининг шу ишга алоқадорлиги текширилганида, агар гумон қилинувчи жинсий алоқа ихтиёрий бўлганлигини таъкидласа, учта масала ҳал этилиши лозим:

а) гумон қилинувчи томонидан зўрлик бўлганми ва жабрланувчи ўша ҳаракатларга қаршилик кўрсатганми;

б) гумон қилинувчи билан жабрланувчининг алоқаси ўзаро розилик асосида бўлганми;

в) қаршилик кўрсатилиши натижасида гумон қилинувчи ва жабрланувчи кийимида, баданида зўрлик, қаршилик излари борми.

Гувоҳлар кўрсатуви ҳам ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Гувоҳлар жабрланувчининг овози, чинқириғини эшитган ёки кўрганлиги, қизни жиноят жойига мажбурлаб олиб борилганликлари ҳақида кўрсатув бериши муҳим. Агар гувоҳ ва жабрланувчининг кўриш, чинқириш, эшитишга оид кўрсатувларида тафовутлар бўлса, ушбу ҳолат юзасидан тергов эксперименти ўтказилиб, овознинг эшитилиш-эшитилмаслиги ҳолатлари аниқланади.

Агар жабрланувчи қаршилик кўрсатмаганлигини гувоҳлар тасдиқласа, бундай қаршилик кўрсатилмаганинг сабаби (милтиқ, пичоқ ёки бошқа қуроллар билан қўрқитиш натижаси) аниқланади. Агар тинтув пайтида қурол топилмаса, гумон қилинувчининг танишларидан, қариндошларидан унинг шундай қуролга эга ёки эга эмаслиги суриштирилади. Агар ушбу



қурол топилса, у таниб олиш учун жабрланувчига кўрсатилади. Ушбу ҳолда шунга эътибор қаратиш лозимки, жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатилганидан сўнг, уни кўрганларнинг унинг аҳволига бўлган муносабати, бу уни жуда ҳам азиятга согланилиги ёки уйдирма эканлигини аниқлашга кўмаклашади. Тергов жараёнида жабрланувчи ва гумон қилинувчи муносабатлари аниқланади, улар қанчадан бери бир-бирини танишлари, улардан қайси бирида якинлашишга мойиллик кучлироқ эканлиги текширилади, агар жабрланувчи гумон қилинувчи билан таниш бўлса, у билан ёки бошқа эркаклар билан ўзини қандай тутиши (жуда эркинми, босиқми) текширилади. Шу орада у бирон киши билан яқин муносабатда бўлганлиги ҳам текширилиши керак. Гумон қилинувчи билан жабрланувчининг жиноят содир этилган кундаги учрашувини ким (улардан қайси бири) уюштиргани аниқланади ва жабрланувчи ушбу ҳолатни яширганми, агар яширган бўлса, нима мақсадда яширганлиги аниқланади. Агар гумон қилинувчи учрашувни тасдиқласа-ю, лекин жинсий алоқа бўлганлигини рад этса, унда жинсий алоқа излари, яъни жабрланувчи баданида, кийимида сперма изларининг мавжудлиги, кийимиға зарар етганлиги (тоза, дефлорация белгилари) текширилади.

Агар жиноят гумон қилинувчининг уйида ёки унинг танишлари, қариндошлари уйида содир этилган бўлса, шу уйдаги жиҳозлар ҳолати жабрланувчидан сўралиб, у бу уйда бўлган ёки бўлмаганлиги аниқланади (жабрланувчи гумон қилинувчининг уйи

ҳақида олдиндан билиш имкониятига эга бўлмаган бўлса). Агар шу жиноят содир этилгандан кейин уйдаги ҳолат ўзгарган бўлса, шу уйга кириб юрувчи, хабардор одамлардан аввалги ҳолат сўралиб, жабрланувчининг кўрсатуви билан солиширилади. Жинсий алоқа ихтиёрий амалга оширилганлиги ва улар ўртасида илиқ муносабат борлиги гумон қилинувчи томонидан эътироф этилса, улар ўртасидаги ёзишмалар, кундалик, фотосуратлар ва улар ўртасидаги муносабатларни узоқ вақтдан бери биладиган одамлардан уларнинг муносабати амалда қандай бўлганлиги сўралади. Улар ўртасидаги муносабатлар илиқлиги аниқланса, нима сабабдан ушбу ҳолатлар яширилганлиги сўралади. Ушбу ҳол гумон қилинувчининг кўрсатувлари тўғри, деган холосага олиб келади.

Жабрланувчини ожиз ахволга солиш учун айборд томонидан наркотик воситалар, психотроп, кучли таъсир этувчи, заҳарли ёки одамнинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар қўлланилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда, уларнинг хусусияти ва инсон организмига таъсири даражаси экспертиза тайинлаш, мутахассисларни сўроқ қилиш йўли билан аниқланиши лозим.[5]

Жабрланувчи бирон-бир мақсадни кўзлаб гумон қилинувчига тухмат қилаётган бўлса, бу тухматдан мақсад нима эканлиги (оила қуриш, катта ишда ишлашидан, машҳурлигидан фойдаланиб моддий наф кўриш кабилар), яъни тухмат мотиви текширилади. Бунда гувоҳ кўрсатувлари асқотиши мумкин. Агар жабрланувчи тергов жараёнида бирданига ўз



кўрсатувларини ўзгартирса, зудлик билан бунинг сабаби аниқланади. Гумон қилинувчи айбини аниқлашда таниб олиш учун жабрланувчига кўрсатиш, уларни юзлаштириш мухимдир.

Жиноятни очишда энг фойдали тергов ҳаракати жабрланувчи ва гумон қилинувчи кўрсатувларини воқеа жойида текшириш ҳисобланади. Воқеа қандай бўлганлигини ҳикоя қилаётган шахс оғзаки баён этиш жараёнида маълум бир ҳолатларни эсдан чиқариб, айтмай кетиши мумкин. Ушбу ҳолат воқеа жойида кўрсатув берилиши жараёнида аниқ бир фактлар асосида ҳикоя қилишга имкон беради. Алдаётган шахс эса, терговчини ёлғон кўрсатувлар билан чалғитишга ҳаракат қилади. Агар гумон қилинувчи ўз айбини бўйнига олган бўлса, жабрланувчини воқеа жойига элтиш шарт эмас. Номусга тегиш жиноятида гумон қилинувчи ва жабрланувчини суд-психиатрия экспертизасидан ўтказиш ҳам ўринли бўлади. Сабаби, жабрланувчи экспертизадан ўтказилаётганда, унинг руҳий ҳолати, сурункали алкоголизм ёки гиёхвандликка мойиллиги текширилади. Агар жабрланувчи шу воқеадан олдин руҳий

касалликка чалинган бўлса, бу ҳолда жабрланувчининг қаршилик кўрсата олиш ҳолати ҳам текширилади. Суд-психиатрия экспертизаси хulosасининг аҳамиятли томони шундаки, унда жабрланувчининг жиноят содир этиш вақтидаги ҳолати, зўрликка тўғри баҳо бера олиш қобилияти текширилади.

Хулоса қилиб айтганда, номусга тегиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича ариза келиб тушган вақтдан эътиборан терговга қадар текширув ёки дастлабки терговни олиб бораётган мансабдор шахс асосий эътиборни ҳолатнинг ҳаққонийлигини ифодаловчи маълумотларни тўплашга, тез йўқолиши мумкин бўлган далилий аҳамиятга эга бўлган ашёвий, шу жумладан маълумотларни аниқлаш, уларни текшириш ва баҳолаш ҳамда тегишли экаспертизаларни тайинлаши, келгусида жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш, жавобгарликнинг муқаррарлiği принципларини рўёбга оширишга жиноят процессининг гайби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслигини таъминлашга хизмат қилади.

Иқтибослар/References:

1. Қаранг: Ўзбекисто Республикасининг Жиноят процессуал кодекси 19-моддаси 2-қисми // <https://lex.uz/docs/111460>;
2. Ўша манба: 325-модда. // <https://lex.uz/docs/111460>;
3. Номусга тегиш жиноятини тергов қилиш амалиёти: Ш.Т. Икрамов, Д.М.Миразов, Б.Б.Муродов, Б.Ф.Алимов ва бошқ.–Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. –80 б. // <https://www.yumru.com/xx/document/read/34590994/>;
4. Криминалистика. Дарслрик.: Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор F.A.Абдумажидовнинг умумий таҳрири остида. Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2003. // <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-287487-1.html?page=23> ;
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни файритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида" қарори. Тошкент ш., 2010 йил 29 октябрь, 13-сон. // <https://www.lex.uz/acts/2414120>



ОСОБЕННОСТИ ТАКТИКИ ПРОИЗВОДСТВА СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ ПРИ
РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШЁННЫХ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

FEATURES OF TACTICS FOR THE PRODUCTION OF INVESTIGATIVE ACTIONS IN THE
INVESTIGATION OF CRIMES COMMITTED USING INFORMATION TECHNOLOGY



Авилов Улугбек Сайдуллаевич

Заместитель начальника
Управления координации работы
следствия и дознания
Следственного департамента при
МВД Республики Узбекистан
Самостоятельный соискатель

Avilov Ulugbek Saidullaevich

Deputy Head of Department coordinating
the work of the investigation and inquiry
Investigation Department under the
MIA Republic of Uzbekistan
Independent researcher



Аннотация. В статье рассматриваются проблемы тактического обеспечения расследования преступлений, совершенных с использованием информационных технологий обоснование предложений по их решению, а также разработка тактических рекомендаций по повышению эффективности производства вербальных, невербальных следственных действий, следственных действий, направленных на получение виртуальной информации.

Ключевые слова: информационные технологии, криминалистическая тактика, вербальных, невербальных следственных действия, осмотр места происшествия, допрос, очная ставка.

Annotation. The article deals with the problems of tactical support for the investigation of crimes committed using information technology, the rationale for proposals for their solution, as well as the development of tactical recommendations for improving the efficiency of verbal, non-verbal investigative actions, investigative actions aimed at obtaining virtual information.

Keywords: information technology, forensic tactics, verbal, non-verbal investigative actions, inspection of the scene, interrogation, confrontation.

Преступления, совершенные с использованием информационных технологий, являются одним из самых прогрессивно развивающихся видов интеллектуальной преступности в условиях современного общества и повсеместного распространения информационных технологий.

Техническая революция в области информации, компьютеризации всех сфер жизнедеятельности человека, его повсеместный и неограниченный доступ к компьютерной информации (включая глобальную информационную сеть Интернет) породили новые виды правонарушений. С использованием компьютерных технологий совершаются преступные посягательства не только на информационные базы данных, но и иные охраняемые законом общественные отношения.

Несмотря на актуальность данных преступлений, количество уголовных дел (по преступлениям, совершенными с использованием информационных технологий), расследуемых и оконченных производством следователями, остается сравнительно небольшим.

Алгоритм расследования данного вида преступлений складывается в зависимости от состава совершенного преступления и исходной следственной ситуации.

Особенностями расследования преступлений являются:

- использование при проведении следственных действий и оперативно
- розыскных мероприятиях специалистов, обладающих достаточными познаниями в области применения информационных технологий,



- особый алгоритм расследования,
- специфические приемы работы (осмотры, изъятие, хранение и т.п.) с цифровыми носителями информации в ходе производства следственных действий,
- особенности тактики отдельных следственных действий.

Навыки расследования преступлений, совершенных с использованием информационных технологий, с учетом условий криминогенной ситуации в стране и в мире в целом имеют в настоящее время наибольшую востребованность в правоохранительных органах.

На сегодняшний день отсутствует единый подход среди учёных к вопросам криминалистической тактики расследования уголовного дела. Существует множество толкований понятия тактики следственных действий, в том числе и тактики следственных действий при расследовании преступлений, совершенных с использованием информационных технологий.

Опыт зарубежных стран показал, что в ходе расследования преступлений, осуществляются следующие следственные действия: допрос, очная ставка, осмотр места происшествия; обыск; выемка; следственный эксперимент; назначение судебных экспертиз. С целью разработки тактических рекомендаций предлагается классифицировать следственные действия при расследовании преступлений, совершенных с использованием информационных технологий на вербальные и невербальные.

К вербальным следственным

действиям [1] при расследовании преступлений относятся: допрос и очная ставка. При производстве верbalных следственных действий источником исходной информации является человек. К невербальным следственным действиям при расследовании относятся: осмотр места происшествия, местности, помещений, предметов и документов на наличие материальных следов; осмотр носителей электронной информации на наличие виртуальных следов; следственный эксперимент; обыск, выемка носителей электронной информации; назначение компьютерно-технической экспертизы. При производстве вербальных следственных действий следователь распознает идеальные следы преступлений. Наиболее важное место в системе распознаваемых объектов, без которого не может обойтись ни одно уголовное производство, занимает человек: тот, кто являлся участником или сторонним наблюдателем впоследствии исследуемого по делу события (процесса, явления). В криминалистике такие лица, независимо от того, в каком процессуальном статусе (свидетеля, потерпевшего, подозреваемого, обвиняемого) они выступают в уголовном производстве, рассматриваются как следовоспринимающие объекты, как носители фактической информации, идеальных (следов памяти) и материальных следов-отражений на своём теле, одежде и иных сопутствующих вещах.[2] При производстве невербальных следственных действий следователь



может распознать такие материальные следы, как отпечатки пальцев, оставленные на рабочем месте преступника (на компьютере, периферийных устройствах (принтер, сканер, веб-камера, колонки и прочее), столе, посуде), волосы, слюна и другие. При распознавании системы материальных объектов – образов нужно изучить рукописные записи, распечатки и т.п., которые свидетельствуют о приготовлении и совершении преступления. Материальные следы могут остаться на самой компьютерной технике (следы пальцев рук, микрочастицы на клавиатуре, дисководах, принтере и т. д.), а также на магнитных носителях и CD-R, CD-RW дисках, внешних накопителях цифровой информации. Наличие специальных технических средств поможет следователю в процессе распознавания различных виртуальных следов (в зависимости от вида преступления) например: следы от взаимодействия с хостинг-провайдером, который оказывал помощь по размещению

сайта; следы в электронной почте, социальных сетях, skype, веб-форумах и др. (места, где у преступника могла вестись переписка с потерпевшим и осуществляться какая-либо деятельность, связанная с преступлением); следы при переводе денежных средств между счетами преступника или со счёта потерпевшего на счёт преступника и др.; следы при обращении преступника к ресурсам, подвергнутым преступным посягательствам; следы при установлении программы на компьютер с незаконным содержанием и другие.

Следует особо отметить, что подготовка к проведению допроса и очной ставки имеет свои особенности и определённую специфику, не учитывая которые, следователь столкнётся с рядом трудностей и не будет иметь возможности результативно провести указанные следственные действия. Тактика производства допроса по уголовным делам этой категории напрямую зависит от специфики механизма совершения преступлений и иных как позитивных,





так и негативных факторов. Следует учитывать, что допрос потерпевших и свидетелей по уголовным делам о преступлениях, совершённых с использованием информационных технологий будет отличаться от допроса подозреваемых и обвиняемых, а особенности, связанные с механизмом преступления влияют на выбор тактических приёмов допроса.

Так, анализ практики расследования уголовных дел и результаты проведённого опроса следователей показали, что при производстве допроса и очной ставки у следователей зачастую возникают различного рода трудности. Так, например, 83 % респондентов указали, что основные трудности, с которыми им приходилось сталкиваться в ходе расследования преступлений, совершённых с использованием информационных технологий связаны с терминологией, выбором тактических приёмов воздействия, установлением контакта.

В этой связи можно выделить следующие проблемы, которые необходимо решать при подготовке к допросу (очной ставке) и в ходе его проведения.

Во-первых, необходимость привлечения специалистов или использования специальных знаний при проведении рассматриваемых следственных действий.

Так, в ходе расследования преступлений, совершённых с использованием информационных технологий необходимы знания в области телекоммуникационных систем, компьютерных технологий и компьютерной техники. Вместе с тем, как показывает практика,

следователи необходимыми знаниями не всегда обладают, либо обладают в недостаточном объёме, в связи с чем для всецелого понимания ответов допрашиваемого им и нужна помочь специалиста.

Во-вторых, недостаточный уровень (либо отсутствие) специальных знаний у следователя часто обуславливает существенное «интеллектуальное» противодействие расследованию со стороны киберпреступника. Это выражается в том, что подозреваемый (обвиняемый) рассказывает следователю о способе совершения преступления, используя максимальное количество жаргонов и специальных терминов, непонятных для неподготовленного человека (неспециалиста). При этом нередко описываемый способ не совпадает с реальным способом совершения расследуемого преступления.

В-третьих, следователю в ходе следствия требуется изучить значительный объем данных, обнаруживаемых преимущественно в электронном виде (например, информация, обнаруженная на конкретном носителе, программное обеспечение, с помощью которого совершались преступные действия, специальные компьютерные программы), часть из которых будет составлять предмет следственного действия и уточняться в ходе допроса (очной ставки).

В-четвертых, необходимость применения при проведении допроса (очной ставки) знаний юридической психологии в расследовании преступлений. Это обусловлено разнообразием возможных мотивов



некоторых видов преступлений; неограниченным кругом лиц, имевших возможность совершить преступление; потенциальным вредом, который может нанести преступление.

Кроме того, знание основ психологии преступников (в том числе преступников) поможет следователю при разработке мер по нейтрализации их противодействия, поскольку злоумышленники достаточно часто используют в своей деятельности (в том числе и в ходе их допроса либо очной ставки) психологические приёмы, например, психологическое манипулирование.

В-пятых, дефицит времени и динамичность обстановки в сетевом окружении, которые определяются краткосрочностью существования и высокой изменчивостью отдельных видов доказательств, находящихся в электронной форме.

С криминалистической точки зрения допрос (очная ставка) является средством решения ряда тактических задач - изобличения во лжи лица, противодействующего следствию; проверки выдвинутых версий; распознавания прочности позиций, занятых допрашиваемыми на следствии; выявления ранее неизвестных обстоятельств, включая неизвестные эпизоды преступной деятельности, и т. д.[3].

Фактором, положительно влияющим на выбор тактики производства допроса, является наличие определённого объёма информации о преступном событии, полученного из различных (процессуальных и не процессуальных) источников, например, материалов доследственной

проверки, оперативно-разыскных мероприятий. Кроме того, содержание преступного деяния таково, что при выяснении обстоятельств его совершения необходимо наличие знаний об особенностях механизма преступления, которые зависят от применяемых для его реализации орудий и средств (компьютерно-технические средства)[4].

Таким образом, в связи с отсутствием у следователя специальных знаний это может вызвать трудности при решении основных задач допроса: выявление элементов состава преступления, совершённого с использованием информационных технологий исходя из следовой информации; установление обстановки совершения преступления (времени, места), способа и мотивов его совершения, сопутствующих обстоятельств; определение предмета преступного посягательства; определение размера причиненного ущерба; выделение детальных признаков вида преступления; установление иных лиц, причастных к совершению преступления, а также способа его скрытия.

Именно это обстоятельство, по общему правилу, обуславливает необходимость присутствия при производстве верbalных следственных действий (допроса, очной ставки) специалиста в сфере компьютерной информации (компьютерных технологий), который уже и на стадии подготовки к следственному действию может разъяснить следователю неясные технические термины, устройство изъятых средств, способы совершения



преступлений, наметить очерёдность выясняемых технических вопросов и степень их конкретизации.

И в то же время, как показывает анализ следственной и судебной практики, а также анкетирование сотрудников правоохранительных органов, принимавших участие в расследовании уголовных дел по преступлениям, совершённых с использованием информационных технологий следователи (до-знатаватели) неоднозначно относятся к рассматриваемой проблеме. Так, если 60 % опрошенных респондентов указали, что присутствие на допросе (очной ставке) специалиста в сфере компьютерной информации (информационных технологий) положительно влияет на процесс следственного действия и установление психологического контакта между допрашивающим и допрашиваемым (подозреваемым, обвиняемым), то 30 % указали, что присутствие такого специалиста на процессе допроса влияет негативно.

Также, одним из элементов, составляющих информационное обеспечение допроса при расследовании преступлений, совершенных с использованием информационных технологий является изучение особенностей личности допрашиваемого.

При подготовке допроса (очной ставки) при расследовании преступлений следователю необходимо использовать все источники, из которых можно получить информацию о личности допрашиваемого. К источникам можно отнести: изучение биографических материалов о

личности; получение и сопоставление сведений о лице из различных источников; сбор и сопоставление независимых характеристик; анализ учебной и (или) трудовой деятельности лица; анализ различного рода документов; назначение судебно-психологических экспертиз и учет их заключений; непосредственное наблюдение за человеком (эмоции, речь, характер оценки и др.)[5]. Также необходимо изучить страницы преступника в социальных сетях, благодаря чему следователь может выяснить: интересы, увлечения, круг его общения. Также, следователю необходимо посетить сайты, которые наиболее часто посещал допрашиваемый.

Процессуал нуқтаи назардан истиқболли технологик янгилек сифатида тергов ҳаракатлари ва суд жараёни олиб борилишини ҳамда натижаларини электрон видеоёзув учун компьютер дастурлари ва қурилмаларидан фойдаланган ҳолда ҳам кўриб чиқиш мумкин. Бундан ташқари, терговга қадар текширув, суриштрув ва тергов органлари ходимлари ўртасида сўров ўтказилганда, 92,7 % респондентлар қоғоз шаклдаги жиноят ишини электрон иш билан алмаштиришга зарурат бор деб ҳисоблаб, 85,4% иштирокчилар улардан муқобил кўринишда фойдаланилган тақдирдагина терговнинг сифати ва муддати учун ўз самарасини беришига ишонишларини билдирганлар. Шу муносабат билан Жиноят-процессуал кодексининг алоҳида моддасида жиноят процессида электрон ҳужжат айланишининг умумий тамойилларини белгилаш зарур.

Амалиётда бундай ишларни компьютер дастурлари ва қурилмалари ёрдамида ҳал қилиш мисоллари жуда кўп. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Олий

суд томонидан тақдим қилинган маълумога кўра, 2017-2021 йилларда бундай техник имкониятлардан фойдаланган ҳолда жами 41 620 та процессуал ҳаракатлар ЖПКнинг 91¹-моддасига асосан видеоконференц алоқа режимида ўтказилган.

Шу билан бирга, экспертизалар тайинлаш ва уларнинг хulosаларини олишда ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисидаги қарашлар нафақат илмий адабиётларда намоён бўлган, балки илмий тадқиқот доирасида ўтказилган сўров натижалари билан ҳам тасдиқланган. Жумладан, амалиётчилар томонидан 78% сўроқ жараёнини видеоёзув ёрдамида баённомалаштириш ижобий баҳоланади. Эксперт хulosаларининг «офзаки» кўринишда, видеоконференц алоқа пайтида ёки видеотасвирга ёки бошқа электрон ташувчи воситаларда берилган шаклда олиниши 73,2% иштирокчилар томонидан ижобий баҳоланиб, бу самарали ва ишни тезроқ кўриб чиқишга имкон бериши мумкилинги ҳақида фикр билдирганлар.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноий-хуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 02.11.2018 йилдаги ПФ-5566-сон Фармони[5] билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг «Электрон жиноий-хуқуқий статистика» ягона ахборот тизимини жорий этилган



бўлиб, унга кўра жиноятга алоқадор бўлган ариза ва ҳабарлар, улар бўйича қабул қилинган процессуал қарор турлари ва ушбу жиноятга оид ҳабарга алоқадор бўлган шахслар (жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи)га оид статистик маълумотлар мазкур тизимда сақланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 15.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сон қарори[6]нинг 2-бандига асосан, «Электрон жиноят иши» дастлабки лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган жиноят ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш тўғрисидаги топшириқ назарда тутилиб, унда олдинга қўйилган асосий мақсадалар сифатида:

жиноят ишлари бўйича иш юритувни электрон шаклда юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида суриштирув органларининг прокуратура органлари, судлар ва жазони ижро этиш органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан маълумотлар алмашинуви имкониятини берувчи ҳимояланган тизимни, жумладан ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш, жиноят ишлари бўйича статистика юритишини автоматлаштириш орқали жорий қилиш;

хужжатнинг ягона идентификаторини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларнинг суриштирув органлари, судлар, прокуратура органлари билан

Интернет тармоғи орқали ахборот алмашинувини таъминлаш;

жиноят ишлари бўйича суриштирув амалиётида жиноят-процессуал ҳужжатларининг ягона электрон шаклини ишлаб чиқиш;

жиноят ишларини юритиш жараёнларини, шу жумладан жиноят ишлари бўйича электрон иш юритувда тартиб-таомилларни қисқартириш ва ортиқча босқичларни чиқариб ташлаш орқали оптималлаштириш;

процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартибларини, жумладан электрон шаклда санкциялар олиш, далилларни тўплаш, экспертизалар, суд муҳокамаси ўtkазиш ва суд қарорларини ижро этиш орқали соддалаштириш.

Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш ва амалиётга жорий этиш мақсадида, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг қуий бўлинмаларида жиноятга оид ишлар бўйича маълумотлар, жумладан процессуал қарорлар, тергов ҳаракатларининг видеоёзувлари, статистик ҳисоботларнинг ахборотлашган тизим доирасида амалга оширилиши ва сақланиши мавжуд ахборот базалари билан интеграция қилинган ҳолда таъминланган.

Ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг хизмат хоналари доимий режимда ишловчи видеокузатув воситалари билан таъминланган бўлиб, улар ёрдамида тергов ҳаракатларининг видеотасвирга олишни назарда тутувчи маҳсус дастур ишлаб чиқилиб, у орқали айнан бир жиноят иши бўйича амалга оширилган тергов ҳаракатлари бўйича электрон



маълумотлар, базанинг айнан шу жиноят иши бўйича секторида алоҳида файллар сифатида сақланади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят процесси давомида ахборот технологияларидан фақатгина идоравий назорат механизмини назардатутувчи фаолият билан қараш, жиноят процессининг предметини тўлиқ қамраб олмайди, зеро жиноят процессининг предмети жиноят процесси, унинг иштирокчилари

доираси ва уларнинг ҳаракатларининг процессуал қоидаларини ташкил этади. Бундай назорат механизмини назарда тутувчи фаолиятни идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар доирасида назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/References:

1. Mekhmonov K.M. Features of the legal regime of digital rights. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 1, (51-57) pp.
2. Уголовный процесс: учебник / С.В. Зуев, К.И. Сутягин. Челябинск: Издательский центр ЮУрГУ, 2016. – 563 с.
3. П.С. Пастухов. Уголовно-процессуальные и криминалистические аспекты объективизации доказательств. Вестник пермского университета. П.-2009. УДК343.14:343.98. Юридические науки. Выпуск 3 (5)
4. Абдулвалиев А.Ф. Предпосылки и перспективы внедрения электронной формы уголовного дела в деятельность судебных органов // Юридические исследования. 2013. № 5. С. 150–164
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноий-хуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 02.11.2018 йилдаги ПФ-5566-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4034449>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 15.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3735818>



МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТЛАРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ
АМАЛГА ОШИРИШДА БМТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИНГ
ҮРНИ ВА АҲАМИЯТИ

THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE UN SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS IN
THE EXECUTION OF NATIONAL PARLIAMENTARY STATE BUDGET



Юсупов Сардорбек Баҳодирович

Тошкент давлат юридик
университети

Маъмурий ва молия ҳуқуқи
кафедраси мудири, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Yusupov Sardorbek Baxodirovich

Head of the Department of
Administrative and Financial Law
Tashkent State University of Law,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: s.yusupov020@gmail.com



Аннотация. Мазкур мақолада Давлат бюджети устидан парламент назоратининг халқаро ҳуқуқий асослари, БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда миллий парламентларнинг иштироки таҳлил қилинган. Давлат бюджети устидан самарали парламент назоратини амалга оширишда универсал стандартлар кўриб чиқилган. COVID-19 пандемияси шароитида давлат бюджети устидан назоратда парламентларнинг ролини ошириш бўйича илмий-назарий фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: “парламент дипломатияси”, давлат бюджети, парламент назорати, Парламентлараро институтлар, БРМ кўрсаткичлари, Сиёсий форум, глобал барқарор сиёsat рейтинги, рақамли инқилоб.

Annotation. This article analyzes the international legal framework of parliamentary control over the state budget, the participation of national parliaments in the implementation of the UN Sustainable Development Goals. Universal standards have been considered for effective parliamentary control over the state budget. Scientific and theoretical ideas are presented on increasing the role of parliaments in the control of the state budget in the context of the pandemic COVID-19.

Keywords: “parliamentary diplomacy”, state budget, parliamentary control, inter-parliamentary institutions, BRM indicators, Political Forum, global sustainable policy rating, digital revolution.

Ҳар бир давлат миллий бюджет тизими унинг сиёсий позициясини ва уларни амалга ошириш омилларини кўрсатиб беради. Бугунги кунда халқаро ҳамжамият янги реал муаммолар фонида, айниқса COVID-19 пандемияси шароитида бюджет назоратида парламентларнинг ролини ошириш бўйича янги тенденциялар кузатилмоқда.

Парламент назоратини амалга оширишда давлат бюджетига оид назорат энг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади. Мамлакатни самарали бошқариш, ижтимоий-иктисодий ривожланиши бевосита давлат ва унинг мансабдор шахсларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролар олдидаги мажбуриятларини

бажариш, шунингдек, халқаро мажбуриятларни адо этишда халқаро ҳуқуқ стандартлари ва принциплари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining халқаро ташкилотлар, Парламентлараро институтлар билан ҳамкорлигини таъминлаш, бюджет назоратига оид илфор халқаро тенденцияларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш долзарб масалалар сирасига киради. Мазкур мақсадга эришиш “парламент дипломатияси” институтини ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланган халқаро парламентнинг халқаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, демократик



ўзгаришлар, сиёсий тизим модернизацияси жараёнини кўрсатиб берувчи муҳим кўрсаткич «Эзгу бошқарув» концепциясини амалга ошириш ҳамда БМТнинг 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари ва 169 вазифаларни бажаришда парламентларнинг бюджет жараёнида янада фаол рол ўйнаши талаб этилади.

Халқаро ҳуқуқий нормалардан шу нарса маълумки, олий вакиллик институтлари сифатида парламент институти ва унинг аъзолари нафақат сайловчиларнинг эҳтиёжларини қондириш ва ижро ҳокимиётининг давлат маблағларини оқилона сарфлаш ва уларни тўғри ҳисобга олишни таъминлаши шарт.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг БМТ 75 йиллик юбилей саммитида қилган маъруzasида Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Буш Ассамблеясининг маҳсус резолюциясини қабул қилиш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш[1] таклифлари билдирилган эди.

Давлат бюджети устидан парламент назоратининг халқаро ҳуқуқий асослари жуда мураккаб бўлиб, улар ўз характерига кўра биртурлилик касб этмайди. Халқаро ҳуқуқ субъектлари (халқаро ва ихтисослашган ташкилотлар) бошқа субъектлар, хусусан давлат институти ҳулқ-атворига мақсадли таъсир

кўрсатади. Бундай таъсир ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш, марказлаштирилган ва номарказлаштирилган тартибга солиш, тарафлар манфаатларининг мувофиқлаштирилиши ва субординацияси, қаттиқ ва юмшоқ тартибга солиш методлари орқали амалга оширилади. Мазкур нормалар, бошқа нормалар каби таъзиқ, мажбурият юклаш ёки рұхсат бериш характерида бўлиши мумкин.

Давлат бюджети устидан парламент назоратига оид халқаро ҳуқуқий муносабатлар субъектларини қўйидагича келтириш мумкин:

Умумий компетенцияли халқаро ташкилотлар. Мазкур ташкилотлар умумий халқаро ҳуқуқ ҳамда халқаро ташкилот ўз зиммасига олган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, давлат бюджети устидан парламент назоратига тегишли сифатларни ўзида уйғунлаштиради. Улар давлат бюджетини мақсадли сарфланиши учун халқаро ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчиси функциясини бажаради. Бу борада Бирлашган миллатлар ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари муҳим ўринни эгаллайди.

Махсус компетенцияли халқаро ташкилотлар. Бизга маълумки, умумий компетенцияли халқаро ташкилотларнинг фаолияти биз тадқиқ этаётган соҳанинг халқаро ҳуқуқий асосларини яратиш учун етарли эмас. Бюджет назорати устидан парламент назоратига оид услубий кўрсатмалар, модель қонунлар, халқаро стандарт ва принциплар каби халқаро ҳуқуқий нормаларни яратиш учун тор доирадаги мутахассислар билим ва кўнинмалари талаб



этилади. Мазкур ташкилотларнинг аъзолари давлатлар, парламентлар, бюджет назоратига масъул давлат ташкилотлари бўлиши мумкин.

Махсус компетенцияли халқаро ташкилотларни ҳам ўз ўрнида қуидагича таснифлаш мумкин:

Парламентлараро Иттифоқ;

Молиявий назорат органларининг халқаро ташкилотлари;

Минтақавий ташкилотлар Парламентлараро Иттифоқлари.

Давлатлар. Давлат институти ҳам халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида олий вакиллик органи тимсолида бюджет назоратининг самарали тизимини юритиш орқали иқтисодий хавфсизликни таъминлашга эришишга ҳаракат қиласди.

БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари кўлами ва аҳамияти нуқтаи назардан халқаро ҳамжамиятнинг энг долзарб стратегик мақсадларидан бирига айланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти расмий веб-сайтида қуидагича Барқарор ривожланиш мақсадлари институти қуидагича таъриф берилган: “Барқарор ривожланиш мақсадлари (кейинги ўринларда БРМ) камбағал, бой ва ўрта ривожланган мамлакатларни фаровонликни яхшилаш ва сайёрамизни ҳимоя қилишга оид амалий ҳаракатга чақиришдир. Давлатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва бандлик соҳасидаги қатор масалаларни ҳал этиш, шунингдек, иқлим ўзгаришига қарши кураш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар билан мутаносиб равишда қашшоқликни бартараф этиш чоралари қурилишини эътироф этмоқда”[2].

Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва парламентлараро иттифоқка парламентлар билан миллий



даражада, жумладан, парламентлар имкониятларини кенгайтириш, хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалга ошириш учун бюджет маблағларини ажратиш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва миллий қонунчиликни халқаро мажбуриятларгаму вофиқлаштиришга кўмаклашиш мақсадида янада яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни тавсия қилади[3].

Ушбу дастурий ҳужжатда белгиланган мақсад ва устувор вазифаларга эришишда ҳар бир иштирокчи давлатнинг олий вакиллик органлари самарали бюджет назоратини ўрнатиши ва Ўзбекистон Республикасининг Ихтиёрий миллий шархини тақдим этган ҳолда бу борада шаффоф ҳисобдорлик тизимини яратиш, норма ижодкорлиги жараёнига мазкур мақсад ва вазифаларни интеграциялаш долзарб вазифалар сирасига киради.

Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишида миллий БРМни ҳисобга олиш бюджетнинг барқарорлигини таъминлаш ва унинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда харажатларни оптималлаштиришга қаратилади.

БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг мамлакатлар бюджети назоратидаги ўрни Е. Хеж, Л. Бrimont, Ф. Паньон[4], С. Кумар, Н. Кумар, С. Вивелкадиш[5], Й. Кабанье[6], В. Белоображен, Т. Салимова, Л. Бирюкова[7], Т. А. Ланьшина[8] каби бир қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган.

2018 йил 22 майда БМТ Бош Ассамблеясининг Бирлашган Мил-

латлар ташкилоти миллий парламентлар ва парламентлараро иттифоқ ўртасидаги ҳамкорлик түғрисидаги 72/278-сон резолюцияси[9] қабул қилинди. Мазкур ҳужжат билан Бош Ассамблея миллий режалар ва стратегияларни амалга ошириш, шунингдек, миллий ва глобал миқёсда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш бўйича миллий парламентларнинг ролини эътироф этди. Резолюция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва парламентлараро иттифоққа барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, демократия ва "эзгу бошқарув", ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва табиий оғатлар хавфини камайтириш каби турли соҳаларда яқин ҳамкорликни давом эттиришни тавсия қилди[10].

БМТ БРМнинг тадқиқ этган олимлар Е. Хеж, Л. Бримонт, Ф. Паньон фикрича, БРМ кўрсаткичларининг давлат бюджети устидан назоратга таъсирини З та хусусиятни ажратиб кўрсатади.

Биринчидан, мазкур кўрсаткичлар бошқарув воситаси сифатида ишлатилади. Мазкур фикрга асос сифатида О.Р. Янгнинг[11] БРМда белгиланган бошқаришни ўрта ва узоқ муддатли устувор йўналишларини белгилаш орқали миллий бюджетларни ўз ичига олган ресурсларни тақсимлашга қаратилган жамоавий ҳаракатларга раҳбарлик қилишни асосий омил сифатида кўрсатиб ўтади.

Иккинчидан, БРМ давлат



бошқарув органларининг ҳисобдорлигини оширишга хизмат қиласи. Тарихий жиҳатдан олиб қараганда кўрсаткичлар ва баҳолаш демократик мунозараларда муҳим рол ўйнайди. Аниқ статистик кўрсаткичларга асосланган баҳолаш ҳукуматлар ва мансабдор шахсларни ўз ҳаракатларини масъулиятли ва ошкора қилишга ундаши мумкин.

Учинчидан, БРМ миллий бюджетларни бир бирига яқин ва стандартлаштиришга ёрдам бериши ва бу эса ўз навбатида, глобал барқарор сиёсат рейтингига ҳисса қўшиши мумкин. Бунда аъзо давлатлар тақдим барқарор ривожланиш бўйича юқори дараҷадаги сиёсий форумга тақдим этиладиган курс ҳисботларида БРМга мувофиқ ўз бюджетини таҳлил қилиш имконияти яратилади[12].

Фикримизча, биринчи омил бўйича БРМ кўрсаткичлари оммавий ҳаракатлар воситаси бўлиши мумкин. Шубҳасиз, бунда давлат бошқарув органлари БРМ кўрсаткичларини амалга оширишга қаратилган муайян мақсадлар ёки лойиҳаларга лойик бюджет эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда уларга ечим топишга қодирми ёки йўқми, деган саволни кўтаради. Хусусан, таълим соҳасида БРМ таснифига қанчалик мос келади?

Иккинчи омил бўйича давлатлар миллий бюджетлар ва БРМ кўрсаткичлар тизими ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш, мамлакатнинг БРМга эришишдаги тараққиётини кўрсатиши ва ҳукумат фаолиятини баҳолашга ёрдам бериши талаб этилади.

Учинчи омил бўйича барқарор ривожланиш бўйича юқори

даражадаги сиёсий форумга ҳисбот тақдим этган давлатлар парламентлари, шунингдек сиёсатчилар ва эксперталар ўртасида фикр алмашиб, миллий бюджетнинг сарфланиши бўйича жамоавий ақлий мунозараларни халқаро дараҷада ташкил этилиши глобал барқарор ривожланишга ўтишда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, демократик институтлар, фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назорати асосида мазкур жараёнда иштирок этишлари мумкин.

БРМ кўрсаткичларини миллий бюджетда акс этишини тадқиқ этган олимлар жамоаси Ҳ. Шмидт, Л. Гостин, Э. Эмануэл[13] глобал миқёсда барқарор ривожланиш учун "рақамли инқилоб" талаб этилиши хусусидаги назарияни илгари суради. Ҳар бир соҳадаги трансформация бизнес ва фуқаролик жамияти билан ишлайдиган ҳукуматнинг аниқ белгиланган функцияларни амалга оширишни талаб қиладиган устувор инвестициялар ва тартибга солиш муаммоларини белгилайди.

Мазкур фикрни Ж. Ву қўллаб-қувватлаган ҳолда БРМга қаратилган тадқиқотлар ва ишланмалар турли фанлар бўйича тадқиқотчилар ўртасида ҳамкорликни, шунингдек, саноат, ҳукумат ва ташкилотлар билан кенг алоқалар ва ҳамкорликни талаб қилиши, бу эса ўз ўрнида янги тадқиқот маданиятини яратишга ёрдам беришини таъкидлайди[14].

Фикримизча, юқорида келтирилган олимларнинг доктринал қарашларидан келибчиқиб, парламент бюджетга оид ваколатларини амалга оширишда халқаро ва миллий илмий



ҳамжамиятлар билан мuloқot платформаларини йўлга кўйиш даркор. Бугунги кунда ахборот-коммуникация тадқиқотлари, хусусан сақлаш ҳажми, ҳисоблаш тезлиги, алоқа воситалари ва тармоқларни ривожлантириш каби технологик муаммолар ҳал этиш аксарият ривожланаётган давлатларда мавжуд муаммолар иқтисодий-ижтимоий муаммоларни бартараф этишнинг асосий омили сифатида қаралмоқда.

Бундан ташқари, парламентлар бюджет устидан назоратни амалга оширишда умумий компетенцияли халқаро ташкилотлар, парламентларо институтлар, Молия-

вий назорат органларининг халқаро ташкилотларидан ташқари халқаро ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича алоҳида стратегик дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Боиси, ушбу ташкилотлар томонидан юритиладиган рейтинг ва кўрсаткичлар ҳам бевосита БМТ нинг БРМга таъсир кўрсатади.

Иқтибослар/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // URL: <https://aza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-birl-23-09-2020>
2. <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/>
3. <https://www.un.org/ru/events/parliamentarismday/background.shtml>



4. Hege E., Brimont L., Pagnon F. Sustainable development goals and indicators: can they be tools to make national budgets more sustainable? //Public Sector Economics. – 2019. – Т. 43. – №. 4. – С. 423-444.
5. Kumar S., Kumar N., Vivekadhish S. Millennium development goals (MDGS) to sustainable development goals (SDGS): Addressing unfinished agenda and strengthening sustainable development and partnership //Indian journal of community medicine: official publication of Indian Association of Preventive & Social Medicine. – 2016. – Т. 41. – №. 1. – С. 1.
6. Cabannes Y. The contribution of participatory budgeting to the achievement of the Sustainable Development Goals: lessons for policy in Commonwealth countries //Commonwealth Journal of Local Governance. – 2018. – С. ID 6707-ID 6707.
7. Белобрагин В., Салимова Т., Бирюкова Л. Стандартизация в достижении целей устойчивого развития ООН //Стандарты и качество. – 2019. – Т. 985. – №. 7.
8. Ланьшина Т. А. Опыт локализации и внедрения Целей устойчивого развития в странах-лидерах в данной сфере //Вестник международных организаций: образование, наука, новая экономика. – 2019. – Т. 14. – №. 1.
9. 2018 йил 22 майда БМТ Баш Ассамблеясининг Бирлашган Миллатлар ташкилоти миллий парламентлар ва парламентлараро иттифоқ ўртасидаги ҳамкорлик түғрисидаги 72/278-сон резолюцияси // URL: <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/>
10. <https://www.un.org/ru/events/parliamentarismday/background.shtml>
11. Young, O. R., 2017. Conceptualization: Goal setting as a strategy for earth system governance. In: N. Kanie and F. Biermann eds. Governing through goals: Sustainable Development Goals as governance innovation. Cambridge: MIT Press, pp. 31-51 [CrossRef]
12. Hege E., Brimont L., Pagnon F. Sustainable development goals and indicators: can they be tools to make national budgets more sustainable? //Public Sector Economics. – 2019. – Т. 43. – №. 4. – С. 423-444.
13. Schmidt H., Gostin L. O., Emanuel E. J. Public health, universal health coverage, and Sustainable Development Goals: can they coexist? //The Lancet. – 2015. – Т. 386. – №. 9996. – С. 928-930.
14. Wu J. et al. Information and communications technologies for sustainable development goals: state-of-the-art, needs and perspectives //IEEE Communications Surveys & Tutorials. – 2018. – Т. 20. – №. 3. – С. 2389-2406.



ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИ / СЛЕДСТВЕННЫЙ ДЕПАРТАМЕНТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ ВА АДОЛАТ БОШ МЕЗОН

THE MAIN CRITERIA OF THE RULE OF LAW AND JUSTICE IN THE ACTIVITIES
OF THE PROSECUTOR'S OFFICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



Пўлатов Бахтиёр Халилович

Бош прокуратура Академияси
профессори,
юридик фанлари доктори, профессор

Pulatov Bakhtiyor Khalilovich

Professor of the Academy of the
General Prosecutor's Office
Doctor of Law, Professor

Ибрагимов Диёрбек Шухрат ўғли

Бош прокуратура Академияси
докторант

Ibragimov Diyorbek Shukhrat ugli

PhD student of Academy of the
General Prosecutor's Office



Аннотация. мазкур мақолада мамлакатимизда халқ билан мулоқат, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқишига оид давлат раҳбарининг ғоялар асосида қабул қилингандек норматив хужжатлар, халқ прокуратурасининг шакилланиши, шунингдек прокуратура органларининг фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, улар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда адолатни таъминлашдаги фаолияти ёритилган.

Калит сўзлар: халқ билан мулоқат, фуқаролар билан муносабатни қайта кўриб чиқиши, халқ прокуратураси, прокурор назорати, прокурорлик фаолияти, прокурор назорати ҳужжатлари, қонун устиворлиги, қонунийликни мустаҳкамлаш, адолатни таъминлаш.

Annotation. this article consecrates the legal acts adopted on the basis of the idea of the head of the country on a radical revision of the approach of state bodies to relations with citizens and communication with the people, the formation of the people's prosecutor's office in our country, as well as the activities of the prosecutor's office to ensure the rights and freedoms of citizens, protect their interests, and also justice.

Keywords: people's prosecutor's office, prosecutor supervision, prosecutorial activity, acts of prosecutorial supervision, strengthening the rule of law, ensuring justice.

Ҳар қандай демократик ислоҳотнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови қонун устиворлигини таъминланиши ва қонунийликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Мамлакатимизда адолат муҳитини қарор топтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг манфаатларини ишончли ва хуқуқларини ҳимоя қилиш, муҳим масала ҳисобланади. Бу вазифалар, куни кеча ўзининг 30 йиллигини нишонлаган Ўзбекистон прокуратурасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Қонун устиворлиги ва

инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови" номли маърузасида "Аввало, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиши зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор. Биз аҳоли энг кўп мурожаат қиласидан давлат идоралари фаолиятида одамлар билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш ҳақида ўйлаяпмиз. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражада



даги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади" деб қайд қилди.

Мазкур ғоялар асосида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сон Қонуни билан «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасининг 8-қисми янги таҳрирда баён этилди, унга мувофиқ «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари: ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиши, зарур бўлган ҳолларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қонунийликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилиши, прокуратура органлари қонуларнинг ижро этилишини назорат қилишга ва жиноятчиликка қарши курашга доир фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартиба таъминлаш йўли билан ўз фаолиятини ошкора амалга ошириши белгиланди.

Президентнинг “Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ

ва әркиниликларининг ишончи ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги 5019-сонли Фармони асосида Бош прокуратура тизимида “Матбуот хизмати” негизида “Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими” тузилиб фаолият кўрсатмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади, аввало, ҳар бир инсон ўз фаолиятини қонуларга бўйсуниш нуқтаи-назаридан жиддий ислоҳ қилиши керак. Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири бу – энг аввало, инсон онгини ўзгартиришга қаратилганлигидир. Президентимиз Ш. Мирзиёев ўзларининг кўплаб маъruzavachiқишлиарида одамларнинг дунёқарашини, ҳаётга нисбатан муносабатини ўзгартиришимиз лозимлиги ҳақида тұхталиб ўтадилар. Бу бежиз эмас албатта. Қачонки инсонда соғлом фикр пайдо бўлса, у коррупциядан ҳоли бўлади. Коррупцияга қарши кураш, хусусан, унинг олдини олишда, биринчи галда, уни вужудга келтирувчи омиллар аниқланиши ҳамда уларни бартараф этувчи чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, прокуратура органлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мазкур соҳада қонунийликни таъминлашга ҳам мухим эътибор қаратиб келинмоқда.



Жумладан, 2021 йил биринчи ярим ийлигидә вояга етмаганлар ҳақидағи қонунчилік ижросини таъминлаш йүналишида 1 849 та текшириш үтказилиб, 10 714 тапрокурорназорати ҳужжатлари қўлланилган, 7 977 нафар мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган, 2 млрд. 029 млн. сўмлик зарар ихтиёрий қопланган, 89 та жиноят иши қўзғатилган ва 116 573 нафар шахсларнинг, шу жумладан 109 500 нафар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Бундан ташқари, вилоятларда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил қилиш, жиноятчиликни барвақт олдини олиш соҳасида олиб борилган саъи-ҳаракатлар натижасида 11 532 нафар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси яхшиланган, 45 нафар болалар ички ишлар органларининг профилактик ҳисобидан чиқарилган.

Прокуратура органлари ходимларини ҳар бир ходими Президентимиз таъкидлаганларидек, олижаноб ҳалқимизнинг ҳақиқий ҳимоячиси, адолат ва қонуййлик посбони бўлиб, фақат ва фақат ҳалқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қилишлари лозим. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан прокуратура органлари тизими мунтазам такомиллашмоқда ва янгича маъно билан бойимоқда. Жумладан, прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилишини белгиловчи дахлсизлиги нормаси қонундан чиқариб ташланди[1]. Энди бундай

ҳуқуқбузарлик суд томонидан ҳал қилинади. Бироқ асосий тамойиллар, бирлик, марказлашганлик, қонуййлик, мустақиллик ва очиқлик ўзгаргани йўқ.

Прокуратура органларининг устувор вазифаларидан бири – жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, ватандошларимизнинг муаммоларига амалда ечим топишдан иборатdir. Кўпгина масалаларни жойида ҳал этиш имконини берадиган фуқароларни шахсан қабул қилиш, турли қонунбузилишларга тезкор ҳаракат кўрсатишлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий соҳада прокурор назоратини таъминлаш баробарида фуқароларга манзилли ёрдам кўрсатишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, охирги бир йил давомида тегишли идоралар билан ҳамкорликда ёрдамга муҳтож 167 мингдан зиёд фуқароларнинг муаммолари ҳал этилди. 3,5 минг нафар фуқаронинг 7 млрд. сўмдан ортиқ иш ҳақи, пенсия ва нафақа пуллари ундириб берилгани[2] бунинг яққол мисоли.

Иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятида тадбиркорликни ривожлантириш, экспортни кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш каби ҳаётий муҳим масалаларга устивор аҳамият бериб келинмоқда. Қайд қилинган даврда, назорат тадбирларида 4,8 минг нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тақланди, 21 минг нафарига муаммоларини бартараф этишда



кўмаклашилди. Прокурорлар кўмагида 12,5 мингга яқин тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, фаолияти тўхтаб қолган 18 минга яқин корхона тикланди. Инвестиция дастурлари ижроси доирасида 153 млн. долларлик тўғридан-тўғри ҳорижий инвестициялар жалб этилишига амалий ёрдам берилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларига риоя этмаган 516 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, 344 та жиноят иши қўзғатилди[3].

Мамлакатимизни хавфсиз ва тинч ҳудудга айлантириш, фуқароларимизнинг осойишта ҳаёт кечиришларини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Ходимларимизнинг бошқа идоралар ва жамоатчилик билан ҳамкорликдаги саъй - ҳаракатлари билан ўтган йилда 9.155 та маҳалланинг 4.494 тасида ёки қарийб ярмида умуман жиноят

қайд этилмади. 1.563 та ёки 17 фоиз маҳаллада эса, жиноятлар камайишига эришилди[4].

Прокуратура органлари фаолиятида жамоатчилик билан ҳамкорликни янада яқинлаштириш, фаолиятида очиқликни таъминлаш, фуқаролар билан яқиндан, бевосита ишлашга эришиш мақсадида қабул қилинган қонунларнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига ҳамда ижрочиларга етказиш бўйича учрашувлар, семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларни ўтказишга Бош прокуратуранинг "Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими" ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан алоҳида эътибор берилмоқда.

Аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан бевосита мулоқотга киришишга имкон берувчи ҳамда уларга ўзларини қизиқтирган саволларни бериш ва уларга жавоб олиш, муҳокама қилинаётган муаммо



бўйича ўз таклифларини билдириш имкониятини яратувчи асосий тарғибот шакли сифатида маърузалар, лекциялар, сухбатлар, учрашувлар каби тарғибот тадбирларидан самарали фойдаланилмоқда. Биргина 2021 йилда 120 мингдан ортиқтарғибот тадбирлари ўтказилиб, шундан 317 мингга яқини оммавий ахборот воситалари, шу жумладан 7 мингдан зиёд телевидение, 6 мингга яқин радио, 3,5 мингдан зиёд матбуот ва 19 мингдан зиёд интернет тармоқлари имкониятларидан фойдаланилган. Бу тадбирларнинг 31 мингдан зиёди аҳоли яшаш жойларида, 38 мингга яқини фуқароларимизнинг иш жойларида, 8 мингдан зиёди ўқув муассаларида ва 4 минга яқини тадбиркорлар ўртасида ўтказилган[5].

Шунингдек, Бош прокуратуранинг расмий веб-сайтининг янги версияси ишга тушурилиб, унда зарур маълумотларни тезкорлик билан топиш, имкониятлари чекланган шахслар учун қўшимча қулайликлар тақдим этувчи бошқа функциялар ҳам ўрин әгаллаган. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тузилмаси билан бир қаторда, ҳудудий янгиликлар, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ва Мажбурий ижро бюроси фаолияти ҳақидаги ахборот характерига эга қисқа маълумотлар, шунингдек, прокурорлик назорати ва тергов фаолиятининг аҳволига оид маълумотлар билан танишиш мумкин.

Веб-сайтга кирувчилар учун нафақат Бош прокуратурада, балки вилоят прокуратуралари ва уларга

тенглаштирилган прокуратураларда фуқароларни қабул қилиш жадваллари билан, шунингдек, қабулни ташкиллаштиришга масъул бўлган ходимлар билан боғланишга оид маълумотлар билан танишиш имконияти яратилган. Бундан ташқари, «Бош прокурорга мурожаат юбориш» ва «Вилоят прокурорларига мурожаат юбориш» интернет-қабулхонасиорқалиҳарқандайфуқаро ёки юридик шахс қонун бузилишлари ҳақида бевосита Бош прокурорга ҳамда ҳудудий прокурорларга ариза, шикоят, мурожаат юбориши мумкин. Шунингдек, сайт ҳуқуқий маслаҳат олиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини холис ёритиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаролар онгидаги демократик қадриятларни сингдириш, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб сиёсий-ҳуқуқий муаммоларига бағишлиланган илмий-оммабоп, таҳлилий ва маслаҳат материалларни аҳолига етказишда Бош прокурорининг 2009 йил 17 августдаги 81-сонли буйруғи асосида, Бош прокуратураси муассислигидаги қайта ташкил этилган «Ҳуқуқ» газетаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Прокуратура органларини кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида такомиллаштирилган Бош прокуратура Академияси Ахборотномасининг салмоғи катта бўлмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев



2018 йил 7 январида прокуратура органлари ҳодимлари куни олдидан соҳа ҳодимлари билан учрашувда “Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, адолатсизликка чидай олмайди. Жамиятда адолат барқарор бўлишида прокуратура органларининг ўрни катта бўлмоғи керак, прокуратура органлари ҳодимларининг иши катта масъулият, фидоийлик, ҳалолликни талаб қиласди, қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт[7]” деб таъкидлади. Ушбу фикрлар прокуратура органлари фаолиятида дастуруламал бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мастақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўtkазиш тўғрисида”ги 2020 йил 17 декабрдаги ПҚ-4926-сонли қарорига кўра, ҳалқимиз учун энг улуғ ва азиз бўлган айём “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” ғояси асосида кенг нишонлаш белгиланди. “Янги Ўзбекистон” деганда, янги иш услуби, инсонга янгича муносабат назарда тутилади. Халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш, одамларни рози қилиш тамойилини амалга ошириш – янги Ўзбекистаннинг ўзига хос чизгилари, десак муболаға бўлмайди. Ҳалқимизнинг фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш барчамизнинг олий мақсадимиздир.

Ўзбекистоннинг янги даврида,

суд-хуқуқ соҳасида қисқа муддатда амалга оширилган ислоҳотлар прокуратура тизимида ҳам мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш имконини берди. Президентимизнинг ташаббуси ва эътибори туфайли прокуратура органларининг бутун қиёфаси кейинги йилларда тубдан ўзгарди.

Давлатимиз раҳбари Президентлик лавозимига навбатдаги муддатга киришиш маросимидағи нутқида, бугунги кундаги устивор вазифалар “инсон – жамият - давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этилиши таъкидланди. Президентимиз томонидан илгари сурилган еттида устивор йўналишлардан иборат бўлган Тараққиёт стратегияси прокурорлардан том маънодаги янгиланишни, ўзгаришниталабқиласди. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам хуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун – устивор, жазо – муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш белгилаб берилди[6]. Буларнинг барчаси мамлакатимизда адолат ва қонун устиворлигини таъминлашда прокуратура органларининг роли муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Прокуратура органларининг ҳар бир ҳодими Конституциямизда белгилаб берилган устивор тамойил ва қоидаларнинг тўлиқ рӯёбга чиқиши учун Ўзбекистоннинг янги ютуқларига хисса қўшишни,



Президентимиз ишончига муносиб ва ҳаётбахш сиёсатига содик бўлиб, эл-юртга садоқат билан хизмат қилишни ўзининг шарафли бурчи деб билади. Улар буни чуқур ҳис қилган ҳолда, Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганлариdek, олийжаноб

халқимизнинг ҳақиқий ҳимоячиси, адолат ва қонунийлик посбони бўлиб қоладилар ҳамда фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладилар.



Иқтибослар/References:

1. "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 49-моддаси иккинчи қисми. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-597-сонли Қонуни таҳририда, Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон.
2. "Халқ прокуратрасини шакллантириш йўлида" Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 11 май куни бўлиб ўтган тўртинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи. –Т.: "HUQUQ" газетаси, 2019 йил 14 май.
3. "Халқ прокуратрасини шакллантириш йўлида" Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 11 май куни бўлиб ўтган тўртинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи. –Т.: "HUQUQ" газетаси, 2019 йил 14 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари куни" муносабати билан ўтказилган тантанали мажлисдаги маърузаси. 2021 йил 7 январь.
5. Бош прокуратуранинг "Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими 2021 йил маълумотлари.
6. Электрон манба. <https://strategy.uz/> (мурожаат этилган сана: 31.01.2022)



ЁШЛАР ОРАСИДА РАДИКАЛЛАШУВНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИДА ИНТЕРНЕТ
ТАРМОГИНИНГ ТАЪСИРИ

THE ROLE OF THE INFLUENCE OF THE INTERNET IN THE EMERGENCE OF
RADICALIZATION AMONG YOUNG PEOPLE

Абдурасулов Нодир Нурмухамматович

мустақил изланувчи

Abdurasulov Nodir Nurmuhamatovich

Independent researcher



Аннотация. Ушбу мақолада ҳозирги кунда интернет тармоғида турли бузғунчи күчлар томонидан ёшлар онгига таъсир қилувчи, ёшлар орасида радикаллашувни кучайишига олиб келувчи ҳолатлар ёритилган. Шунингдек, радикаллашув жараёнлари келтириб чиқариши мумкин бўлган турли салбий ҳолатлар эксперталар фикрлари таҳлили ёритилган ҳамда жараённинг тенденциялари тўғрисида баҳс юритилган.

Калит сўзлар: Интернет тармоғи, ижтимоий тармоқлар, радикаллашув, радикал ғоялар, диний радикаллашув, ёшлар сиёсати.

Annotation. This article highlights cases of influence on the minds of young people by various destructive forces on the Internet at the present time, leading to increased radicalization among young people. In addition, an analysis of the views of experts on various negative factors that may be caused by the process of radicalization is presented, as well as a discussion of the trends in this process.

Keywords: Internet, social networks, radicalization, radical ideas, religious radicalization, youth policy.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт ичидаги ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси ташкил қилинди. Худудларда «Лойиҳалар фабрикаси» иш бошлади.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизими ни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил мамлакатимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини

мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилинди.

Лекин шунга қарамасдан ҳозирги кунда ахборот маконида турли таҳдидларни сақланиб қолаётганлиги, айниқса ёшларни мазкур таҳдидлардан сақлаш учун бир қатор профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда, ҳозирги кунда хеч ким сир эмаски интернет тармоғида турли деструктив күчлар томонидан ёшларни орасида радикаллашувни кучайтириш мақсадида турли кўринишдаги уринишларни амалга ошираётганлиги тендецияси кузатилмоқда бунда айниқса интернет тармоғини ролини алоҳида такидлаб ўтиш лозим

Жумладан Datareportal.com. сайтини 2021 йил октябрь ойида берган маълумотида ҳозирги кунда бутун дунёда ҳар 10 нафар шахсдан 6 нафари интернет тармоғидан фойдаланаётганлиги, охирги ўн икки ой



мобайнида дунё бўйича 100 миллион аҳоли интернет тармоғига уланганлиги ва бутун дунё бўйлаб интернетдан фойдаланаётган аҳоли сони 5,29 милярдга етганлиги, шунингдек аҳолини ўртacha 16 ёшдан 64 ёшгacha бўлган қатлами бир кунлик вақтини 40%ни интернет тармоғида ўтказаётганлигини маълум қилган.

Демак юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак интернет тармоғидаги ахборот макони деструктив кучлар учун хавфсиз маконга айланганлигини кўришимиз мумкин, Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилоти Ўзбекистондаги координатори Ричард Уиллерни қўйдаги фикларини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин, "Бугунги кунда террорчи гурухлар ўз мафкурасини ёйиш ва янги издошларни жалб этиш учун анъанавий ва замонавий ахборот воситалари (ОАВ) дан тобора кўпроқ фойдаланмоқда. Ёш авлод, айниқса, ижтимоий тармоқлар ва интернетдан жадал фойдаланиш турли субъектив ва объектив омиллар билан биргаликда зўравон экстремистик фаолиятга жалб қилиниш хавфи остида қолмоқда[1]."

Марказий Осиё давлатлари ёшлар орасида экстремизм мафкураси тарқалишининг олдини олиш бўйича

профилактик чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишилари зарур деб қайд этган сенатор Содик Сафоев шунингдек, экстремистик радикал ташкилотлар иштирокчиларининг аксариятини 30 ёшгacha бўлган ёшлар ташкил этади. бундан ташқари ҳарбий ҳаракатларда қатнашаётган 300000 нафар ўсмирлар, асосан 18 ёшни ташкил қиласди, 2000 йиллар бошларида Европа давлатларидан келиб террорчи гурухлар таркибиغا қўшилаётганларни ўртacha ёши 28 ёшни ташкил қилган бўлса ҳозирги кунга келганда мазкур ҳолат 20 ёшни ташкил қилаётганлигини маълум қилган, бунга дектруктив кучларни интернет тармоғидаги тарғиботлар асосий сабаб қилиб кўрсатган[2].

БМТ нинг Аксилтеррор марказида маслаҳатчиси Кангин Гюнинг қайд этишича, терроризм бугунги кунда кибермаконга ўтиб, ёшлар орасида радикаллашувни кучайтириш учун юқори даражадаги технологиялардан фойдаланиб келмоқда[3], шунингдек, Европа Иттифоқнинг Ўзбекистон бўйича маҳсус вакили Питер Буриан ҳам "Сўнги йилларда биз ёшлар орасида радикаллашувни кучайиши қандай зарар келтириш мумкинлигини Европа ва Марказий Осиё давлатлари



мисолида кўрдик ”деб қайд этган[4].

Минтақавий таҳдидларни ўрганиш директори Виктор Михайлов халқаро террорчи ташкилотлар нега айнан ёшларни ёллашда мувафақиятга эришаётганлиги сабаб қилиб етарлича маълумот етишмаслиги такидлаб ўтган, шунингдек у ёлловчилар интернет тармоғида жойлаштирилган маҳсус таёrlанган радикал ғоялар билан йўғирилган материаллардан фойдаланаётганлиги, дастлаб ёлловчилар томонидан мазкур материаллар тарқатилиши ёлланишга номзодга тақдим этилиши натижасида радикализация содир бўлиши, бу эса ўз навбатида радикаллашган номзод ёлловчилар учун таёр ”ўлжак”га айланишини такидлаган[5].

Биз юқорида ёшлар орасида радикаллашувига оид турли эксперталарни фикларини келтириб ўтдик, экспертларни радикаллашув юзасидан қарашлари турли ҳил бўлса бу ерда умумий ўхшашлик жихатлар борлигини ҳам кўришимиз мумкин яъни ҳозирги кунда ёшлар орасида радикаллашув жараёнларни келтириб чиқариш нисбатан осонлиги ва бунда бутун жаҳон интернет тармоғи ва ижтимоий тармоқлар асосий инструмент сифатида фойдаланилаётганлигига алоҳида урғу беришган.

Хусусан биргина, YouTube платформасида, “IXLOS.TV” каналида (357.000 обуначига эга, 2021 йил декабрь ҳолатига кўра 79.528.486 маротаба кўрилган) Шайх Содик Самарқандий, “Abdulloh Zufar Darsliklari” каналида (26.600 обуначига эга, 2021 йил декабрь ҳолатига кўра 6.624.708 маротаба кўрилган) Абдуллоҳ Зуфар, “Mahmud Abdulmomin”

каналида (109.000 обуначига эга, 2021 йил декабрь ҳолатига кўра 32.791.725 маротаба кўрилган) Махмуд Абдулмўмин, UZTOZ YUSUF DAVRON каналида (1051 обуначига эга, 2021 йил декабрь ҳолатига кўра 173140 маротаба кўрилган), Юсуф Даврон, ANSOR MEDIA каналида (2061 обуначиси эга, 2021 йил декабрь ҳолатига кўра 622620 маротаба кўрилган) Абу Салоҳ таҳаллуси билан танилган шахслар, ўзбекзабон аудиторияда турли радикал ғояларни тарғиб қилиб келишмоқда.

Ҳозирги кунда ёшлар орасида радикаллашув жараёнларни нормаллаштириш, уларни турли ҳил бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолмаслик учун радикаллашув жараёнларига таъсир эттүвчи омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ва ўз вақтида профилактик чора тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Радикаллашувга қарши кураш учун аввало уни келтириб чиқараётган ташқи ва ички омилларни аниқлаш мухим саналади, таҳлиллар шуни кўрсатадики аҳолисини асосий қисми ислом динига эътиқод қиласиган минтақаларда ёллаш учун асосий ва жуда мухим таркибий қисм сифатида диний радикаллашувни эканлиги маълум бўлмоқда.

Диний радикаллашувни бошлиниши ва кейинчалик ёллаш учун асосий сабаб сифатида қўйдагиларни келтириш мумкин;

-динга бўлган қизиқишни ортиб бориши, бу ерда асосий эътибор ёшларнинг қаердан, кимдан ва қайси манбалардан диний таълим олаётганлиги;

-веб ресурсларга, ижтимоий тармоқларга кириш имконияти;



-диний экстремизм ғояларини тарқалиши;

-радикаллашувни бошланиши;

-ХТТ га ёллаш ишларини амалга оширилиши ва амалий ҳаракатлар.

Радикаллар ўзларининг ахборот материалларида исломий атамаларни соддалашибтиришга ҳаракат қилиб кўришмоқда. Улар орасида машҳур атамалар: “жиҳод” (Яратганинг йўлидаги тиришқоқлик), “кофирлар” (иймонсизлар), “муртадлар” (Исломдан куфрга ўтганлар), “мужоҳидлар” (курашувчилар). Ахборот майдонида анъанавий Исломга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган стереотиплар яратилмоқда: “жиҳод, кофирлар ва Фарб билан уруш”; “мужоҳидлар, адолатсизлик ва ёвузликка қарши курашувчилар”; “мужоҳидлар, шаҳидлар каби тўғри жаннатга тушишади”; “давлат куч тузилмалари, террор воситасидир” ва ҳакозолар.

Натижада интернетда таъсирчан одамларга, шу жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ заиф гуруҳларга (ўспириналар, ёшлар, меҳнат муҳожирлари) қаратилган таркиби бузилган контент яратилди. Шу билан бирга радикаллар ўз материалларида диний экстремистлар, жангарилар ва террорчилар фаолиятини оқлайдиган нафрат сўзларидан, иллюстрациялардан ва такдимот материаллари намойишидан фаол фойдаланишади[6].

Марказий Осиёда диний радикаллашувни хавфли томони шундаки, азалдан аждодлари анъанавий ханафий мазхабига эътиқод қилиб келган ёшлар онгига бошқа мазхабларни ахкомларини ўргатиш орқали жамиятдаги омма қатлами

орасида турли ихтилофларни келтириб чиқармоқда.

Минтақавий таҳдидларни ўрганиш маркази директори В. Михайловни фикрига кўра, сўнги йилларда жамиятда ёшлар орасида турли бузғунчи радикал ғояларни тарқалишига қарши кураш қўйдаги асосий йўналишларни санаб ўтиш мумкин, яъни

Биринчидан, мамлакатдагимасжидларда имомлар масжидига келувчиларга, ҳаётий вазиятлардан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишни, Қурон ва ҳадисларга мос равишда



ханафий мазхаби эътиқоди бўйича ўргатадилар.

Иккинчидан, Террористик ва экстремистик ташкилотларни радикал ғоялар йўғирилган адабиётлар (видео, аудио, ёзувларни) тарқатганлик учун жиной жавобгарлик белгиланган.

Учинчидан, Ўзбекистонда кейинги ўн йиллар давомида дин соҳасида ўзининг миллий кадрларини тайёрлаш бўйича ўрта ва олий ўқув юртлари ташкил этилган, жумладан мазкур ислом билим юртларида имомхатиблар, исломшунослар ва олим-теологлар таёrlаш бўйича катта тажриба шаклланган. Натижада миллий кадрларни таёrlаш, ислом илмини ўрганмоқчи бўлган талаба-



ларни, ханафий мазхабига бегона бўлган салафий ғояларни сингдирувчи араб давлатларида жойлашган турли хил клерикал марказларга бориб тълим олиш эҳтиёжни келтириб чиқармайди.

Бу билан давлат диний соҳада олиб бораётган сиёсати орқали ислом диний бузуб тарғиб қилувчи кучлардан қарши имунитет шакллантиради ва аҳолини диний бағрикенглик ғояси билан тарбиялаб боради, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон Республикаси Мусулмонлар идораси бу борада ҳамкорликда самарали сиёsat олиб бормоқда. Мисол тариқасида, Олмазор туманида ташкил этилган Маслаҳат марказини

келтиришимиз мумкин. Мазкур марказда таниқли уламолар, диншунослар ва исломшунослар фаолият олиб бориб марказга аноним тарзда мурожаат қилган фуқароларни саволларга жавоб бериш билан бирга, фуқаролар радикал ғояларни тасирига тушиб қолмаслик учун тарғибот ишларини олиб бормоқдалар[7].

Юқорида келтириб ўтилган фиклардан ҳulosса қиладиган бўлсак, радикализмни ёшларни орасида ортиб боришида интернет тармоғини улуши ўсиб бориши теденциясини кузатишимиz мумкин, шу сабабли мазкур ҳолатларни олдини олиш ҳозирги кунинг долзарб масалалигicha қолмоқда.

Иқтибослар/References:

1. "терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш юзасидан экспертларнинг давра сұхбати ҳulosалари: назария ва амалиёт" (электрон манба) кириш тартиби URL: <https://fledu.uz/uz/terrorizmga-olib-keluvchi-tajovuzko/> (06.12.2021 йил)
2. "Применение силы в борьбе с терроризмом не оправдало себя". (электрон манба) кириш тартиби URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2018/06/11/youth/> (06.12.2021 йил)
3. Ўша манба.
4. Ўша манба.
5. Михайлов о борьбе с терроризмом в Сети: все беды от недостатка информации. (электрон манба) кириш тартиби URL: <https://crss.uz/2019/04/23/mixajlov-o-borbe-s-terrorizmom-v-seti-vse-bedy-ot-nedostatka-informacii/> (06.12.2021 йил)
6. «Ёшларнинг террор ҳаракатлардаги иштироқи, сабаблар ва мотивацион асослар. Деструктив таъсирга қарши кураш йўллари. МТЎМ тажрибаси» мавзусидаги нутқи. (электрон манба) кириш тартиби URL: <https://crss.uz/2020/12/16/yoshlarning-terror-%D2%B3arakatlardagi-ishtiroki-sabablar-va-motivacion-sladestruktiv-tasirga-%D2%9Barshi-kurash-%D1%9Ellari-mt%D1%9Em-tazhibasi-mavzusidagi-nut%D2%9Bi> (06.12.2021 йил)
7. О политике противодействия терроризму и экстремизму в Узбекистане: что изменилось в ней за последние несколько лет? (электрон манба) кириш тартиби RL: <https://cabar.asia/ru/o-politike-protivodejstviya-terrorizmu-i-ekstremizmu-v-uzbekistane-chto-izmenilos-nej-za-poslednie-neskolko-let> (06.12.2021 йил)



АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТЕРРОРИЗМИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС
ЖИҲАТЛАРИ

SPECIFICS OF CRIMINAL LIABILITY FOR TERRORIST FINANCING IN THE
CRIMINAL LAW OF CERTAIN FOREIGN COUNTRIES



Иброҳимов Жамшид Абдуғофур ўғли
юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Ibrokhimov Jamshid Abdugofur ogl
Doctor of Philosophy in Law (PhD)



Аннотация. мақолада хорижий мамалакатларнинг жиноят қонунчилигига террористик хусусиятга эга бўлган терроризмни молиялаштириш жиноий жавобгарлик масаласи айнан қайси қонунларида акс эттирилганлиги ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Мазкур жиноятга қарши курашишда хорижда қандай ҳаракатлар тақиқланганлиги ёритилган. Терроризмни молиялаштириш жинояти учун жазолар, молиялаштириш предметлари ва мусодара қилиниши лозим билан бўлган мол-мулклар, шунингдек ушбу қилмишларни содир этган юридик шахсларнинг жавобгарлиги ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: терроризм, терроризмни молиялаштириш, қарши курашиш, предмет, содир этиш усули, жазо, мусодара, қарши курашиш дастури.

Annotation. The article analyzes exactly which laws reflect the issue of criminal liability for terrorist financing of terrorism in the criminal legislation of foreign countries and their features. It describes what actions are prohibited abroad in the fight against this crime. They discussed the punishment measures for the crime of financing terrorism, objects of financing and property subject to confiscation, as well as the liability of legal entities that committed these acts.

Keywords: terrorism, financing of terrorism, counteraction, subject, method of execution, punishment, confiscation, counteraction program.

Терроризмни молиялаштириш жаҳон миқёсида ўзининг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги билан тавсифланадиган террорчилик хусусиятига эга бўлган жиноятлардан бири ҳисобланади. Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида кўплаб халқаро ҳужжатлар иштирокчилари зиммасига тегишли мажбуриятлар юқлатилганлиги боис, хорижий мамалакатларда ушбу қилмишга қарши курашиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асослар шакллантирилган.

Хусусан, Буюк Британияда терроризмни молиялаштиришга қарши куаш 2000 йилги "Терроризм тўғрисида"ги (Terrorism Act), 2001 йилги "Хавфсизлик, терроризм ва жиноятчиликка қарши куаш тўғрисида"ги (Anti-Terrorism, Crime and Security Act), 2006 йилги "Терроризмга

қарши куаш тўғрисида"ги (Terrorism Act) ҳамда 2005 йилги "Терроризмнинг олдини олиш тўғрисида"ги (Prevention of Terrorism Act) қонунлар билан тартибга солинади.

Ушбу соҳадаги асосий норматив ҳуқуқий ҳужжат 2000 йилда қабул қилинган "Терроризмга қарши куаш тўғрисида"ги Қонун ҳисобланади. Унга кўра, жиноий фаолиятнинг алоҳида шакли сифатида нафақат террорчилик актлари содир этиш, балки террорчилар ва террорчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш намоён бўлади. Бундай қилмишларга қуйидагилар киради: террорчилик фаолиятида мол-мулк ёки пул маблағларидан фойдаланиш, террористик мақсадлар учун маблағ тўплаш, бундай фаолият натижасида олинган маблағларни легаллаштириш.

Бундай ёндашув бизга



Буюк Британияда терроризмни молиялаштиришга қарши кураш иккى мустақил йўналишда қурилганини таъкидлашга асос беради: биринчиси – террорчиларни моддий ресурслар билан таъминлашни тўлиқ тақиқлаш – бу ушбу соҳадаги умумжаҳон тенденциясига мос келади. Иккинчиси – террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида жиноий йўл билан топилган маблағларга қонуний тус берганлик жавобгарликка асос бўлиши. Бундасудқарори билан уларни олган шахслардан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк мусодара қилиниши мумкин[1].

Ушбу ҳужжат террорчилик фаолиятида фойдаланиладиган маблағларни хатлаш ваколатини беради. Бизнингча, бундай ёндашув Ўзбекистонда терроризмга қарши кураш доирасида ҳам жуда истиқболли ва зарурдир, чунки у тўғридан-тўғри уюшган террорчилик фаолиятининг иқтисодий асосларини бузишга қаратилган. Миллий қонунчилигимиздан фарқли равища, юқорида кўрсатилган жиноий фаолият шакллари учун санкциялар ҳам анча жиддий ҳисобланади. Бунда, айбор шахс жарима каби қўшимча жазо қўллаш имконияти билан 14 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Ҳозирги кунда Буюк Британияда энг оғир жазо – умброд озодликдан маҳрум қилиш билан терроризм актларини содир этиш билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилотнинг ҳар қандай даражада раҳбарияти жазоланади. Ҳозирги кунда Буюк Британияда "Contest" деб номланган аксилтеррор дастури ҳам қабул қилинган бўлиб, у қарши курашнинг

қўйидаги тўртта йўналишини ўз ичига олади: "олдини олиш", "ҳимоя", "таъқиб қилиш" ва "тайёрлик"[2]. Уни амалга ошириш доирасида террорчилик фаолиятини молиялаштиришга қарши курашга алоҳида эътибор қаратилади. Буюк Британия худудида бундай қарши кураш сифатининг асосий муаммоси қонунчилик қоидаларини кенг талқин қилиш бўлиб[3], у маҳсус ваколатли органларнинг ишини қийинлаштиради.

Америка Қўшма Штатларида ҳам террорчилик фаолият таҳди迪 юқори даражасини ҳисобга олган ҳолда, қонунчилик, терроризмни молиялаштиришга қарши қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда терроризмга қарши кураш ва уни молиялаштириш соҳасида қабул қилинган сўнгги ҳужжатлардан бири "Америка Қўшма Штатларининг патриоти акти" ("USA Patriot Act") ҳисобланади.

У нафақат аксилтеррор фаолиятини молиялаштиришни ошириш зарурлигини асослайди, балки кўриб чиқилаётган қилмишни уюшган жиноятчилик белгиларига эга жиноятларга тегишли эканлигини белгилайди, бу оғирроқ жазо турлари ва ўлчамларини, шу жумладан, иқтисодий санкцияларни тайинлаш учун ҳуқуқий асос яратди. Бунда, жазо чоралари тўлиқ қўшилади, бу эса ушбу соҳадаги жиноят қонунчилигининг жазолаш функциясини оширади.

Аввалроқ АҚШда терроризмнинг иқтисодий асосларига путур етказишга ҳам эътибор қаратилган эди. 1977 йилда "Халқаро фавқулодда иқтисодий ваколатлар тўғрисидаги акт"



ишлаб чиқилди ва қабул қилинди[4]. Ушбу ҳужжат АҚШ Президентининг террористик ташкилотларни молиявий ёки бошқа моддий ёрдам кўрсатишида ҳам ўз ифодасини топиши мумкин бўлган қўллабқувватлашни иқтисодий санкциялар асосида қўллаш масаласидаги ваколатларини кенгайтириди.

Бунда, ҳам жисмоний ҳам юридик шахслар жавобгарликка тортилади ва уларнинг АҚШда жойлашган барча активлари давлатнинг даромадига сўзсиз мусодара қилинади.

Кейинчалик терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларига оид яна бир норматив ҳужжат – 1996 йилги “Терроризмга қарши кураш ва ўлим жазоси самарадорлиги тўғрисида”ги қонун (Anti-Terrorism and Effective Death Penalty Act) қабул қилинди. Унга мувофиқ, агар ташкилот террорчи ташкилот деб тан олинса, нафақат унинг молиявий активлари блокланади, балки унинг аъзоларига визалар бериш ҳам рад этилади. Бизнингча, ушбу механизм нафақат террорчилик фаолиятини молиялаштиришга қарши курашишда, балки ушбу ташкилотлар аъзолари соникўпайишнинг голдини олишда ҳам жуда долзарб бўлиб, айборларнинг ахволини оғирлаштиради ва уларнинг ноқонуний фаолиятини сезиларли даражада камайтиради.

АҚШда терроризмни молиялаштириш учун жавобгарлик нафақат маҳсус яратилган норматив-хуқуқий ҳужжатларда, балки АҚШ қонунлари тўпламида (United State Code) ҳам назарда тутилган. Масалан, Қонунлар тўпламида 18-Титулнинг 113-В-боби уни молиялаштиришнинг турли

шакллари учун жавобгарликни бевосита белгиловчи параграфларни мустаҳкамлайди.

2339A-параграфга мувофиқ, бундай фаолиятнинг криминал шаклига тегишли бўлиб нафақат ҳар қандай моддий ресурслар билан таъминлашдан, балки уларнинг жойлашган ўрни ёки келиб чиқиш манбанини яширишдан иборат террорчиларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Бунда, жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти бўлиб, субъектнинг уларнинг нима мақсадга мўлжалланганлигини англаши ҳисобланади. 2339B-параграф АҚШда террористик ташкилот деб тан олинган хорижий ташкилотни молиялаштириш учун алоҳида жавобгарликни белгилайди. Умуман олганда, буни бир эмас, бир неча давлат ҳудудида фаолият кўрсатувчи халқаро террорчилик ташкилотларининг анча юқори ижтимоий хавфлилик даражаси туфайли асосли деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, бундай дифференциация миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришда фойдали бўлиши мумкин.

АҚШ қонунлари тўпламининг 2339A ва 2339B-параграфларида назарда тутилган жиноятлар предметининг хусусиятлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Буларга нафақат пул ёки бошқа мол-мулк, балки ўқитиш, консультациялар, уй-жой, транспорт воситалари, алоқа воситалари, қурол-яроғ ва портловчи моддалар билан таъминлаш ҳам киради.

АҚШ БМТнинг Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги 1999 йилги Халқаро



конвенциясининг фаол иштирокчиси эканлигини ҳисобга олиб, 2339C-параграф АҚШ қонунлари тўпламига киритилган бўлиб, у “терроризмни молиялаштириш бўйича ноқонний ҳаракатлар” учун жавобгарликни белгилаган. Ушбу параграф юқорида қайд этилган Конвенцияда назарда тутилган қилмишларни ўз ичига олган, лекин улар қонунлари тўпламининг 2339A ва 2339B-параграфларида ўз аксини топмаган.

Англо-саксон ҳуқуқий оиласи вакиллари бўлган мамлакатлар қонунчилиги таҳлилига якун ясаган ҳолда, шуни таъкидлаймизки, ҳозирги тарихий босқичда ҳам Буюк Британияда, ҳам АҚШда терроризмни молиялаштиришга қарши курашга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий асос мавжуд. Бунда, бундай қарши курашнинг умумий концепцияси бўлиб, террорчилик фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун жазо чораларини кучайтириш ва иқтисодий санкцияларни қўллаш имкониятларини кенгайтириш ҳисобланади.

Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш романо-герман оиласига мансуб давлатларда ҳам ўзига хосликларга эгадир[5].

Бу соҳадаги Франция қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда алоҳида қайд этишни ҳоҳлар эдикки, Францияда терроризм ва уни молиялаштиришга қарши қаратилган нормаларнинг бутун бир мажмуи мавжуддир.

Франция Жиноят кодексида улар “Терроризм тўғрисида” ги маҳсус бўлимда жамланган. Шунингдек, Франция Жиноят

кодексида 434-б-модда мавжуд бўлиб, у террорчилик фаолиятини молиялаштириш учун жавобгарликни белгилайди. Бунга молиявий ёрдамёки яшаш воситаларини тақдим этишга қаратилган ҳаракатлар киради[6]. Шундай қилиб, ушбу қилмишни мунтазам равишда амалга оширган шахс, кўриб чиқилаётган модданинг 2-қисмида мустаҳкамланган квалификацияловчи жиноят таркиби доирасида жазоланади.

Франция Жиноят кодексида терроризмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарликдан озод қилиш асосларини белгиловчи рағбатлантирувчи норма ҳам мавжуд. Бу норманинг яратилишига ягона мезон – оила ва қариндошлик муносабатлари асос қилиб олинган. Хусусан, молиялаштириш учун жавобгарликка тўғри шажара бўйича қариндошлар ва эр-хотинлар, шунингдек айборд билан никоҳсиз бирга яшовчи шахслар тортилиши мумкин эмас (ушбу қоида aka-ука, опа-сингил ва уларнинг турмуш ўртоқларига ҳам татбиқ этилади).

Ушбу соҳадаги Франция қонунчилигининг яна бир янгилиги нафақат жисмоний, балки юридик шахсларниҳамжиноий жавобгарликка тортиш имкониятидир. Хусусан, вакиллари тегишли террорчилик ташкилотининг фаол иштирокчилари бўлган ёки унинг манфаатлари йўлида ҳаракат қилган юридик шахс жавобгарликка тортилади[7]. Аниқ юридик шахс томонидан кўрсатиладиган ҳар қандай ёрдам террорчиларга кўрсатилганда жиноий фаолият белгилари мавжуд бўлади. Бунда, юридик шахснинг ўзи ҳам,



унинг ушбу қилмишни содир этишда айборд ходимлари ҳам жавобгарликка тортилади[8].

Ушбу қоида террорчилик фаолиятини молиялаштириш тегишили юридик шахсларнинг бевосита иштирокисиз содир бўлмаслигини инобатга олсақ, долзарб аҳамият касб этади. Бироқ, бу усул жиноят субъекти сифатида юридик шахсларнинг тан олинмаслиги туфайли Ўзбекистон жиноят қонунчилиги учун мақбул эмас.

Умуман террорчиликка қарши кураш соҳасида террорчилик фаолиятини молиялаштиришга қарши курашишнинг алоҳида аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, Францияда террорчилик фаолиятига алоқадор шахс олган даромадининг қонунийлигини тасдиқламаганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган[9].

Бу айбизизлик презумпцияси тамойилини бузса-да, аммо, бу воситадан террорчилик фаолиятини амалга ошириш давомида олинган даромад легаллаштиришга қарши курашишда жуда фаол фойдаланилади ва унинг ҳозирги эгаси кимлигидан қатъий назар, уларнинг мусодара қилинишини назарда тутади[10].

Германиянинг жиноят қонунчилигига терроризмни бевосита молиялаштириш учун жавобгарликни белгиловчи алоҳида, маҳсус яратилган нормалар мавжуд эмас. Бироқ, ушбу қилмишга қарши кураш жиноий йўл билан топилган пул ёки бошқа молмulkни легаллаштириш ва муомалага чиқариш, шунингдек уюшган жиноятчиликка қарши курашиш орқали амалга оширилади[11].



Террорчилик фаолиятини молиялаштириш белгиларини “террорчилик бирлашмаларини ташкил этиш” учун жавобгарликни белгилайдиган Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг 129а-параграфида аниқлаш мумкин. Бундай бирлашмаларнинг жиноий шаклларидан бири, доирасида албатта, молиявий ёки бошқа моддий ёрдам назарда тутилувчи қўллаб-куватлаш ҳисобланади.

Бунда, бу қилмиш содир этганлик учун санкция беш йилгача озодликдан маҳрум қилишни ўз ичига олади. Бизнингча, бу террорчилик фаолиятини молиялаштириш ижтимоий хавфлилигининг хусусияти ва даражасини сўзсиз акс эттирмайди ва бу ҳақда АҚШ ва Англия тажрибаси ҳам гувоҳлик беради.

2002 йилда Германия ЖКга яна бир модда киритилиб, у 129b-параграф “Хорижда террористик уюшмаларни тузиш”да мустаҳкамланди. Унинг криминализациясига 2001 йил 11 сентябрда АҚШ га қилинган террористик ҳужум сабаб бўлди. Бунда, жиноят содир этишда



кўмаклашганлик учун максимал жазо беш йил озодликдан маҳрум этишдир. Мазкур жиноят таркиби доирасида озодликдан маҳрум этиш билан бирга, шахсни оммавий лавозимларини эгаллаш, шунингдек, оммавий сайловлар натижасида қўлга киритилган хуқуқлардан маҳрум этиш ҳам мумкин.

Айни пайтда, ушбу меъёрда мустаҳкамланган қоидаларга мувоғик, терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун кенгайтирилган мусодара қўллаш мумкин. Бу Германия қонунчилиги учун янгилик бўлиб, умуман олганда терроризмга қарши кураш соҳасидаги ҳалқаро ҳамжамиятнинг тавсияларини акс эттиради.

Оддий мусодара қилишдан фарқли ўлароқ, кенгайтирилган мусодарани қўллаш исботлаш предметига бўлган талабларни камайтиради. Мазкур ҳолатда В.В.Ульянованинг бундай восита террористик ташкилотларнинг иқтисодий асосларини бузиб ташлаши тўғрисидаги масалани янада самарали ҳал қиласди, деган фикрига тўлиқ қўшиламиз[12]. Бироқ, у фақат юқорида кўрсатилган қилмишларни содир этишга бевосита мўлжалланган предметларга нисбатан қўлланилиши мумкин (Германия ЖК 74-параграфи). Бироқ, бу, бизнинг нуқтаи назаримизча, бундай жазонинг иқтисодий аҳамиятини камайтиrmайди.

74а-параграфнинг қоидаларига мувоғик, бундай нарсанинг эгалари бўлган учинчи шахсларга нисбатан ҳам худди шундай чора қўлланилиши мумкин, агарда: улар жиноят содир этишда мусодара қилинаётган предметдан фойдаланишга кўмак-

лашган ёки жиноий мақсадларига эришиш учун қўлланилган предметни жиноят содир этилганидан кейин олган бўлсалар.

Хозирги кунда 129а ва 129b-параграфларида мустаҳкамланган жиноятлар Германия қонунчилиги бўйича жиноий даромадларни легаллаштиришга нисбатан предикат қилмишлардир. Бу умуман олганда терроризмни молиялаштиришга ва жиноий йўл билан топилган мулкни легаллаштиришга қарши ҳалқаро концепцияга мос келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2002 йилда Германияда маҳсус норматив хуқуқий ҳужжат – “Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун”[13] кучга кирган бўлса-да, унда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари кенг тарзда ҳал қилинмаган.

Хулоса қилиб айтганда, қайд этиш лозимки, Германия қонун чиқарувчиси, бошқалар каби терроризмни молиялаштиришга путур етказиши воситаларини фаол қидириш босқичида турибди. Бироқ, Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексида уни содир этганлик учун жавобгарликни тартибга солувчи алоҳида мақолаларнинг йўқлиги, бизнинг нуқтаи назаримизча, албатта, ўрганилаётган ҳодисага қарши курашни қийинлаштиради ва шу билан террористик ташкилотларни фаоллаштириш имкониятларини яратади.

Бизнингчча, биринчи навбатда, бу терроризмни молиялаштиришни квалификация қилишда бузилаётган



ижтимоий муносабатларининг аҳамияти масаласини ҳал қилишни қийинлаштиради, натижада тайинланадиган жазоларнинг турлари ва миқдорларини ҳам шубҳа остида қолдиради.

Австрия жиноят қонунчилиги террорчилик фаолиятини молиялаштиришга қарши курашишга ҳам қаратилган бўлиб, ўрганилаётган қилмишни содир этганилик учун жавобгарликни белгиловчи мустақил нормани ўз ичига олади. Бу 278d-параграфда мустаҳкамланган ва қуйидаги белгиларни ўз ичига олади[14]. Биринчидан, ушбу жиноятнинг предмети мулкий қимматликлардир. Бизнингча, бунда нақд пул ва бошқа мол-мулкни предмет сифатида тушуниш мумкин. Иккинчидан, объектив томон иккита мустақил муқобил ҳаракатни ўз ичига оловучи жиноят таркиби турига бўйича қурилган, улар: мулкий қимматликларни тақдим этиш ёки йиғиш. Учинчидан, қилмиш қасд бўлгандагина жиноят деб тан олинади, яъни шахс тўпланаётган ёки уларга тақдим этилаётган воситалар террористик жиноятларни содир этишда тўлиқ ёки қисман фойдаланилишини англаши лозим. Таҳлил қилинаётган параграфда ўрганилаётган ҳодисанинг моҳиятини тўлиқ акс эттирувчи ва унга қарши курашишнинг самарали воситаси бўлган терроризмни молиялаштиришнинг асосий белгиларини ўз ичига олган деб ҳисоблаймиз.

Австриялик қонун чиқарувчининг жиноятларни террор белгиларига эга жиноятларни белгилаш соҳасидаги

ёндашуви ҳам қизиқарлидир. Ушбу қилмишлар рўйхати 278c-параграфда мустаҳкамланган бўлиб, умумий хавф туғдирувчи қилмишларни ҳам, атрофмуҳит ёки иқтисодий ҳаётга хавф туғдирувчи жиноятларни ҳам ўз ичига олади[15]. Бунда, уларнинг терроризмга тегишли дейилишига асос бўлиб, қонунда аниқ белгиланган мақсадлар ҳисобланади. Биринчиси сифатида, аҳолини қўрқитиш, жамоат ёки ҳалқаро ташкилотларни айборлар фойдасига ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этишга мажбурлашнамоён бўлади. Иккинчиси сифатида – давлатчиликнинг сиёсий, конституциявий, иқтисодий ва ижтимоий асосларига путур етказиш намоён бўлади.

Терроризм чегараларини аниқлашга қаратилган қонунчилик уриниши ҳалқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган ёндашувга мос келади ва замонавий террорнинг мухим хусусиятларини акс эттиради, бу умуман олганда террорчилик жиноятларига қарши курашда ижобий тажриба сифатида эътироф этилиши мумкин.

Австрия жиноят қонунчилигининг яна бир ижобий томони, албатта, кўриб чиқилаётган қилмишлар гуруҳини содир этишда мусодара қилишдан мустақил жазо тури сифатида фойдаланиш имкониятидир. Шундай қилиб, Австрия Жиноят кодексининг 20b-параграфида террорчилик ташкилотлари тасаруфида бўлган айборларнинг мулкий қимматликларни ёки бевосита террорчилик фаолиятини молиялаштириш учун олинган воситаларни олиб қўйиш учун



қонуний асослар келтирилган[16]. Бизнингча, бу ёндашувни амалга ошириш террорчиларнинг иқтисодий асосларига путур етказишнинг самарали воситасидир.

Терроризмни молиялаштириш Норвегия Жиноят кодексида ҳам мустақил тартибга солинган. Хусусан, 1476-параграф “Террорчилик ҳаракатларини қисман ёки тўлиқ молиялаштириш мақсадида пул, шунингдек бошқа мулкий воситаларни топганлик ёки йиққанлик” учун жавобгарликни белгилайди[17].

Ушбу кодексда жиноят предмети тўғрисидаги масала ўзига хос тарзда ҳал этилган – жиноят предмети нафақат пул воситалари ва бошқа мол-мulkни, балки банк ёки

молиявий хизматларни ҳам ўз ичига олади. Бу ёндашув илгари таҳлил қилинган манбаларда кузатилмади, бу, бир томондан, терроризмни молиялаштириш предмети мазмуни масаласида жаҳон сахнасида ягона ёндашувнинг йўқлигини кўрсатади, бошқа томондан эса, бу ҳодисага қарши курашнинг янги, янада самарали воситаларни топиш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлил қилинаётган қилмишни содир этиш учун жазо самарадорлиги кўп жиҳатдан террорчиларнинг иқтисодий асосларини бузиш учун иқтисодий таъсир кўрсатиш имкониятини оширишни назарда тутиши лозим.





Иқтибослар/References:

1. Козочкин И.Д. Новый английский закон о борьбе с терроризмом // Вестник РУДН. – 2001. – № 2. – С. 50.
2. Жирихина Е.В. CONTEST: Стратегия силы и превентивности (практика Великобритании) // Вестник Национального антитеррористического комитета. – 2013. – № 1. – С. 44-57.
3. Виноградов Н.С. К вопросу об ответственности за преступления, связанные с терроризмом, в уголовном праве Великобритании // История государства и права. – 2006. – № 11. – С. 8-10.
4. The International Emergency Economic Powers Act (IEEP), 50 U.S.C.S. 1701 - 1706 (1988)
5. Богомолов С.Ю. Особенности уголовно-правового противодействия финансированию терроризма в романо-германской системе права // Проблемы юридической науки в исследованиях докторантов, аспирантов и соискателей: сборник научных трудов / под ред. М.П. Полякова, Д.В. Наметкина. – Н.Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2015. Вып. 21. – С. 18-28.
6. Богомолов С.Ю. Ответственность за преступления террористической направленности по законодательству Франции // Охрана конституционных прав граждан РФ: сборник материалов межвузовской научно-практической конференции / отв. ред. Ю.А. Гладышев, Е.А. Коломейченко. – Н.Новгород: Международный юридический институт, Нижегородский филиал, 2014. – С. 60-64.
7. Кучумова Т.Л. Основные направления и особенности правового регулирования противодействия терроризму в иностранных государствах // Юридический мир. – 2012. – № 7. – С. 52-60.
8. Меньших А.А. Законодательство о борьбе с терроризмом во Франции – гарантия государственной защиты прав личности: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1999. – С. 169-171.
9. Новый уголовный кодекс Франции 1992 г. – М., 2000. – С. 46.
10. Кучумова Т.Л. Основные направления и особенности правового регулирования противодействия терроризму в иностранных государствах // Юридический мир. – 2012. – № 7. – С. 52-60.
11. Магомедов Д.Д. Противодействие финансированию терроризма: значение зарубежного опыта для российского законотворчества: Дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2006. – С. 113.
12. Ульянова В.В. Противодействие финансированию терроризма: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2010. – С. 67.
13. Законодательство зарубежных стран. – М., Велби, 2002. – С. 237.
14. Уголовный кодекс Австрии. – СПб., 2004. – С. 307.
15. Уголовный кодекс Австрии. – СПб., 2004. – С. 308.
16. Уголовный кодекс Австрии. – СПб., 2004. – С. 26.
17. Уголовный кодекс Норвегии. – М., 2001. – С. 82.



ЗИЙРАКЛИГИНГИЗНИ ТЕКШИРИБ КҮРИНГ

Бир бегуноқ киши қотиллиқда айбланиб, ўлым жазосига хукм қилинди. Бирок, унинг айби исботланмаганлиги боис, одамлар гавжум жой бозор майдонида унга имконият беришга қарор қилинди. Унга құръя ёрдамида ҳәётини сақлаб қолиши учун қопча берилди, ушбу қопчада иккита қоғоз бор эди. Қоғозларнинг бирида "афв этиш", иккинчисида эса "қатл этиш" сүзлари ёзилган эди.

Лекин, судьялардан бири "афв этиш" ёзувли қоғозни "қатл этиш" ёзувли қоғозга алмаштириб қўйди. Бундан маҳкум фақат хурсанд бўлди ва қопчалардан биридан ёзувли қоғозни олди.

Савол: У қопчадан қандай қоғозни олди ва нима сабабдан озод қилинди?

Одного невиновного человека оклеветали в убийстве и приговорили к смертной казни через повешение. Но поскольку вина этого человека точно не была доказано, ему решили дать шанс на рыночной площади при большом скоплении народа. Ему предоставили возможность спасти себя путем жеребьевки. В мешочек должны были опустить две бумажки, одну с надписью помиловать, другую с надписью казнить.

Но беда заключалась в том, что один из судей в последний момент подменил бумажку с надписью помиловать, на бумажку с надписью казнить, то есть теперь в мешочке две бумажки с надписью казнить. Осужденный который видел подмену записки, только обрадовался такому повороту событий и смело вытянул бумажку из мешка.

Вопрос: Какую бумажку он вытянул и почему его в итоге освободили?



Ҳаёт зарбаларидан тушукунликка тушган эр-хотин ўз жонига қасд қилишга қарор қилишди. Улар осмонўпар бинонинг томига чиқиб, уердан ўзларини ташлашга келишдилар. Томга чиққач улар баравар учгача санаб, биргаликда ташлашга келишдилар. Лекин учгача саналганда аёл ўзини бинодан ташлади, аммо, эркак ўзини ташламасдан аёлнинг қулашини кузатиб турди. Бироз вақт ўтгач эса эркак аёли парашютни очганини кўрди.

Савол: Ким кимга хиёнат қилди??

Одна супружеская пара разочарованная в жизни, решила покончить жизнь самоубийством. Они выбрали небоскреб, поднялись на самую крышу и встали на краю. Затем досчитали до трех, женщина прыгнула, а мужчина остался стоять и смотреть. Через некоторое время он увидел как женщина открыла парашют.



**Жавоблари
кейинги сонда
эълон қилинади**

А теперь вопрос, кто кого предал?

АВВАЛГИ СОНИДАГИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР



Жавоб: Полиция улардан «Қайси ғилдирак тешилган эди?» деб сўради ва уларнинг ҳар бири турли жавоб беришди. Полиция шу орқали уларнинг алдаёт-ганликларини тушунди.

Ответ: Полицейский спросил: «Какое именно колесо они прокололи?» Каждый из друзей дал разные ответы. Так полицейский понял, что они врут.



Жаваб: Суръатда Машадан ташқари ҳар бир оила аъзосининг сояси бор, демак у ўзининг суръатини фотoshop ёрдамида қўшиб қўйган.

Ответ: У каждого из членов семьи на фото есть тени, кроме Маши, а значит она добавила свою фигуру на это изображение с помощью фотшопа.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲУЗУРИДАГИ ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҲУДУДИЙ ТЕРГОВ БОШҚАРМАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ**

**ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ НАЧАЛЬНИКИ СЛЕДСТВЕННЫХ УПРАВЛЕНИЙ СЛЕДСТВЕННОГО
ДЕПОРТАМЕНТА ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**



Абдуразаков Абдувосит Абдулхаевич

Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари- ИИБ ҳузуртдаги
Тергов бошқармаси бошлиғи, полковник



Ашрапов Рамазон Ахмадхўжаевич

Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари- ИИБ
ҳузуртдаги Тергов бошқармаси бошлиғи, полковник



Файзуллаев Илхом Истамович

Андижон вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари-
ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси бошлиғи, подполковник



Атаназаров Хуршид Наджимович

Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари- ИИБ ҳузуридаги
Тергов бошқармаси бошлиғи, подполковник



Утемуратов Азат Минажович

Қоракалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари-
ИИВ ҳузуридаги Тергов бошқармаси бошлиғи в.б., подполковник



Қаюмов Зоҳиджон Жўмабоевич

Сирдарё вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари-ИИБ ҳузуридаги
Тергов бошқармаси бошлиғи, полковник



Ганиев Элёрбек Улугбекович

Наманган вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари - ИИБ ҳузуридаги
Тергов бошқармаси бошлиғи, полковник



Ахмаджонов Ҳожиакбар Мусажонович

Фарғона вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари- ИИБ ҳузуридаги
Тергов бошқармаси бошлиғи в.в.б., подполковник

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲУЗУРИДАГИ ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ХУДУДИЙ ТЕРГОВ БОШҚАРМАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ**

**ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ НАЧАЛЬНИКИ СЛЕДСТВЕННЫХ УПРАВЛЕНИЙ СЛЕДСТВЕННОГО
ДЕПОРТАМЕНТА ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**



Сатгаров Мансур Абдугафурович

Жиззах вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари-ИИБ ҳузуридаги
Тергов бошқармаси бошлиғи, подполковник

Рахматуллаев Музаффар Талгатович

Самарқанд вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари-
ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси бошлиғи, полковник



Гаффаров Комилжон Исаилович

Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари-
ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси бошлиғи, полковник



Хасанов Оқил Аҳадович

Бухоро вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари -
ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармаси бошлиғи, полковник



Шарипов Шоҳруҳ Шодиевич

Навоий вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари-ИИБ ҳузуридаги
Тергов бошқармаси бошлиғи, подполковник



Пулатов Аҳмаджан Ҳусанович

Хоразм вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари-ИИБ ҳузуридаги
Тергов бошқармаси бошлиғи, подполковник



Ходжиматов Ойбек Гуломидинович

Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси Тергов
бошқармаси бошлиғи, полковник





ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИДА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ХОДИМЛАР



**Мустафаев Тимур
Муйдинжонович**

Тошкент шаҳар ИИБ бузуридаги Тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари – Тергов ва суриштирув фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиги



**Тангирбердиев Акмалжон
Султанбаевич**

ИИВ Транспортда ХТББ Тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари – Тергов фаолиятини ташкиллаштириш бўлими бошлиги



**Холназаров Йигитали
Ҳамидович**

Жиззах вилоят ИИБ бузуридаги Тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари-тергов ва суриштирув фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиги



**Ганиев Азиз
Анварович**

Навоий шаҳар ИИБ бошлигининг ўринбосари – Тергов бўлими бошлиги



**Хакимова Оксана
Шукуруллаевна**

Тергов департаменти, Таҳлилий бошқарма Халқаро ва алоқалар бўлими катта терговчиси



**Патуллаев Бахберген
Узақбергенович**

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар бўйича ИИО ФМБ бошлиги ўринбосари – Тергов бўлими бошлиги



**Рашидов Самар
Пўлатович**

Сурхондарё вилояти ИИБ шимолий минтақавий худуд Денов тумани ИИБ бошлиги ўринбосари – Тергов бўлими бошлиги



**Майдинов Шукурулла
Абдусламович**

Асака тумани ички ишлар бўлими бузуридаги Тергов бўлинмаси тергов гурухи катта терговчиси



**Мусаев Хожиакбар
Абдуллаҳаджаевич**

Тошкент вилояти ИИБ иккинчи минтақавий худуд Охангарон тумани ИИБ бузуридаги Тергов бўлинмаси катта терговчиси



Дизайнер:

Д. Иванов

Редактор:

О.Ш. Хакимова

Журнал 08.09.2021 йилда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси хузурудаги Ахборот
ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
1209 рақами билан рўйхатга олинган.

ISSN 2181-2543

10.09.2021 да босишига рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8. «Roboto», «Times New Roman»

гарнитуралари. Босма табоги __

Адади __ нусха. Буюртма № __

«Колорпак» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,

Янги шаҳар қўчаси 1 А.

